

Oila va jamiyat

Gazeta 1991-yil 1-sentabrdan chiqsa boshlagan

201
A
Altashev Navoiy
aomidagi
O'zbekiston MK
№ 37 (1439)
18-SENTABR
2019-yil

@oilavajamiyatgazetası_bot

Jarayon 2

"Ozon qatlami va men"



Озон — ерни устки кисмидан келадиган захарли газлардан осмонни асрайдиган қоплам экан. Агар у тешшили қолса инсоният ҳалокатга учрайди. Шу сабаб барчамиз озон қатламини асрашмиз зарур.

Intervyu 7

Hayotimizning asosiy qahramonlari



Мустақилликимиз нинг йигирма саккиз йиллиги байрами арафасида Президентимиз Фармонига биноан Кавсар Турдиева "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи" фахрий унвони билан мукофатланди.

Ko'zgu 10

Bizga kattalar o'tnak... (mi?)



Аммо, буш вақт топдингиз дегунча, телевизордан футбол кўришингиз, ишдан келишингиз билан дам олиш учун ётоқонага кириб кетишингиз қалбимизни ранжитди. Ахир наҳотки, бир телевизорчалик қадримиз бўлмаса деб ўйлаймиз-у, аммо сиздан хафа бўлмаймиз.



Бола вақтининг асосий қисмини ҳам, эътиборини ҳам мультфильмга қаратади. Ҳозирги замон мультфильмарида эса кўрсатилмаётган нарсанинг ўзи йўқ. Мультфильм кўраётган бола энг зўр шумликлардан тортиб қиз боланинг кўнглини қандай олишни ҳам ўргана олади. Ёш бола тақлидчи бўлади, "қуш инида кўрганини қиласди", деб бежиз айтишмаган ахир, бола кўзи билан кўрган ишни қилгиси келади, қиласди ҳам.

KICHKINTOYEBAR "SEVISHNI" KIMDAN O'RGANISHYAPTI?


Синфда тор, калта юбка кийган қизлар бўлса, айниқса, юқори синфларда йигитларнинг дарсдан чалғишлиярига олиб келмоқда. Энг ёмони, қизлар ўзларининг бу ҳолатларини ҳис қилишмайди, кўр-кўрона кийинишади. Хўш, улар-ку ёш, каттапарнинг кўзи қаёқда? Йигитлар, ҳатто кап-капта эркакнинг ҳам калта шим (шорти)-да юришлари миллий маданиятимизга зид.

5

AYOL MILLATNING
OR-NOMUSIDI

"BIR SOAT
VAQTIMNI
SPORTGA
BAG'ISHLAYMAN"

8



SINALMAGAN OTNING SIRTIDAN O'TILMAYDI

11



TO'Y-HASHAMLAR O'TKAZISHGA OID TARTIB BUZILISHIDA AYBDOR BO'LGAN SHAXSLAR JAVOBGARLIKKA TORTILADI

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Қонунчилик палатаси кенгашларининг кўшма мажлисида “Тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар, марҳумларнинг хотирасига бағишинган тадбирларни ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Низом муҳокама этилиб, ушбу масала бўйича Сенат ва Қонунчилик палатаси кенгашларининг кўшма қарори қабул қилинди.

Низомда маросимларни ўтказиш вақти, меҳмонлар сони каби жижатлар, маросимлар билан боғлиқ хизмат кўрсатиш соҳаси тартибга солингани ҳақида хабар берган эдик.

Эндиғига масала жорий этилаётган тартибга амал қилинишидир. Бунга амал қўлмаганлар учун қандай жавобгарлик бор?

Низомда оилавий тадбирларни ўтказишда жамоатчилик ва давлат назоратини ўрнатилиши мустаҳкамлаб қўйildi.

Эндилидка тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар, марҳумларнинг хотирасига бағишинган тадбирларни мувофиқлаштирувчи Республика комиссияси ва худудий комиссиялар, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши, “Нуроний” жамғармаси, Маънавият ва маърифат маркази, Хотин-қизлар қўмитаси, “Оила” иммий-амалий тадқиқот маркази, Ўзбекистон мусулмонлари идораси, Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг худудий бўлинмалари ўз ваколатла-



ри доирасида оилавий тадбирларни ўтказилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш бўйича масъул ҳисобланади.

Маҳаллий ҳокимликлар, прокуратура, ички ишлар, солик ва ФХДЕ органлари оилавий тадбирларнинг қонун

хужоатларида белгиланган тартибда ўтказилиши устидан таъсирчан назоратини амалга оширади.

Республика комиссияси ва худудий комиссиялар оилавий тадбирларни ўтказилиши устидан жамоатчилик назоратини шунингдек, мониторингини амалга оширади. Оилавий тадбирларни ихчам, истроғарчиликсиз ва белгиланган талаблар асосида ўтказиш бўйича

“Нуроний” жамғармаси худудий бўлимлари эса оилавий тадбирларнинг ўтказилиши устидан жамоатчилик назоратини ўрнатади. Тегишли талабларга риоя этилмаган ҳолатларни муҳокама қилади. Ушбу тузилмалар худудда ўтказилиши режалаштирилган ҳар бир оилавий тадбирдан хабардор бўлиб, унинг ўтказиладиган жойи, иштирокилар сони бўйича маълумотга эга бўлиши керак.

Ички ишлар органлари оилавий тадбирларни ўтказиша оид қонун ҳужоатлари талабларига тўйхона, кафе ва ресторанларда риоя этилишини назорат қиласи ҳамда ушбу талаблар бузилганини аниқланган ҳолатда тегишли шахсларни жавобгарликка тортиши чораларини кўради.

Тўйхона, кафе ва ресторанлар маъмурияти режалаштирилаётган оилавий тадбирлар ҳақида ушбу тадбирларни ўтказилишидан камиди иккун олдин тегишли ҳудуддаги ички ишлар органига ёзма равишда хабар бериши лозим.

Қорақалпогистон Республикаси Жўкогри Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари оилавий тадбирларни ўтказиша оид қонун ҳужоатлари ижро этилиши устидан доимий депутатлик назоратини амалга оширади.

Низом ҳамда тегишли қонун ҳужоатлари талаблари бузилишида айборд бўлган шахслар қонун ҳужоатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

Маҳалла фуқаролар йигини,

“OZON QATLAMI VA MEN”

mavzusida ijodiy ishlari tanlovi o'tkaziladi



Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Озон бўйича котибияти 16 сентябрь-Халқаро озон қатламини муҳофаза қилиш куни ва Озон қатламини бузувчи мoddalalar бўйича Монреаль протоколини қабул қилинганинг 32 йиллигини “Озон қатламини муҳофаза қилиш бўйича 32 йиллик муваффақияти иш” шиори остида муносаб нишонлаш ташабbusini эълон қилди.

Монреаль протоколининг самарали амалга оширилиши натижасида совутгичлар, конденционерлар ва истеъмол буюмлари таркибида мавжуд бўлган озонни бузувчи кимёвий мoddalardan дунё бўйича босқичмабосқич 99, % фойдаланишдан воз кечилишига эришилди.

Ўз навбатida, Ўзбекистон Республикасида ҳам Монреаль протокол талабларининг самарали бажарилиши натижасида 99,5% озон бузувчи мoddalardan фойдаланишдан воз кечилди. Айниска, 2000 йилдан бўён жаҳон миёсида



асос солинди.

БМТ ТДнинг Ўзбекистондаги доимий вакили Матилда хоним Димовсканинг таъкидлашича, агарда олиб борилаётган иш-

лар шу тарзда муваффақиятида амалга оширилса 2030 йилга келиб шимолий ярим шарпларида, 2050 йилга келиб жанубий яримшарпларида ва 2060 йилга келиб, кутб минтақаларида озон қатламини тикланиш ёхтимоли юқори қўлиши таъқидланмоқда.

Мамлакатимизда озонни бузувчи мoddalalar ва таркиbiда улар бўлган мусулотларнинг Ўзбекистон Республикасида импортини ҳамда экспортини тартиби солиш бўйича қатор меъёрий-хукукий ҳужжатлар қабул қилинган.

Озон қатламини муҳофaza қилиш соҳасида амалга оширилаётган барча ижобий ишлар самараси ўларро, давлат экология қўмитаси, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ва БМТ Тараққиёт Дастури (БМТТД) ҳамкорлигига 16-сентябрь — Халқаро озон қатламини ҳимоя қилиш кунига бағишинган “Озон қатлами ва Мен” мавзусида ижодий ишлар ташкил этилди.

Танлов “Энг яхши макола”, “Энг яхши иншо”, “Энг яхши электрон плакат”, “Энг яхши расм” (3-7, 7-16, 16 ёшдан юқори) номинациялар бўйича ташкил этилди.

Ушбу тадбирiga ўзим чизган “Озон ва мен” номли суратимни олиб келдим, — дейди

Республика ихтисослаштирилган дизайн мактаби 8 синиф ўқувчиси Мадинабону Мирсатова. — Тўғрисинай итсан озон қатлами ҳақида ҳаттоқи тасаввурга ҳам эга эмас эдим. Тадбирда қатнашиш давомида саволларимга жавоб олдим. Озон — ерни устки қисмидан келадиган заҳарли газлардан осмонни асрайдиган қоплам экан. Агар у тешилиб қолса инсоният ҳалокатга учрайди. Шу сабаб барчамиз озон қатламини асраримиз зарур.

Тошкент ахборот технологиялари университети 2-босич магистранти Зилола Норова тадбир иштироқчиларига “Осмонни асрар, ўзингни ҳимоя қил, озон қатламини ҳимоя қил” шиори остидаги Электрон пакетини тақдим этди.

— Осмонимиз мусаффо бўлсун, деган кўмлани тез-тез ишлатамиз, — дейди З. Норова.

— Уни асрараш эса авало ҳар биримизнинг инсоний бурчими. Агар биз заминимизни тоза асрасад озон қатлами ҳам худди соянган каби бизни ултърафинафа нурлардан асрайди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринbosari, Хотин-қизлар қўмитаси раиси Элмира Боситхонова, давлат экология қўмитаси раисининг биринчи ўринbosari Ибратжон Каримов ва БМТ ТДнинг Ўзбекистондаги доимий вакили Матилда хоним Димовска ташкил болибларни тақдирлашибди.

Н.РАҲМОНОВА

oilavajamiyat@mail.ru

RAG'BAT MUVAFFAQIYATGA YETAKLAYDI

Потахтимизда «Хотин-қизлар кўмитасининг энг намунали бошлангич ташкилоти» кўриктанловининг бўйича мурасиб бўлиб ўти. Унда Республика ҳайъати томонидан 9 та номинация бўйича 1, 2 ва 3-уринларга муносиб кўрилган 119 нафар бошлангич ташкилотлар раислари иштирок этди.

Маълумки, жамоат ташкилотлари ўз позицияси ҳамда маҳсадларини бошлангич ташкилотларисиз жамоатчиликка етказиб бериси осон кечмайди ва ҳар қандай тузилма ҳамда ташкилотнинг фаолият самарадорлиги унинг кўйи тизимлари, айниқса, бошлангич ташкилотларининг нечоғли фаоллигига боғлиқ бўлади.

Бугунги кунда Хотин-қизлар кўмитасининг вазирлик ҳамда идоралар, корхона ва ташкилотлар, фуқароларнинг ўзи бошқариш орғанлари, ҳарбий қисмлар, таълим мусасаларида 47 мингта яқин бошлангич ташкилотлари рўйхатга олинган.

2012 йилдан бўён Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси томонидан «Хотин-



қизлар кўмитасининг энг намунали бошлангич ташкилоти» кўриктанлови ўтказиб келингетгани кўйи тизим фаолиятини давр талабларига мос равишда таомиллаштириб боришига хизмат килмоқда.

Жорий йилда танловнинг шаҳар ва

туман босқичларида 16 мингдан зиёд бошлангич ташкилотлар раислари қатнашди. Уларнинг 1 минг 237 нафари худудий босқичларда иштирок этиб, энг сара 118 нафарининг ҳужжатлари Республика ҳайъатига тақдим этилди. Сентябрь ойининг 4-5 кунлари Ре-

спублика ҳайъати томонидан ишлари баҳоланган номзодлар 9 та номинация бўйича 1-, 2- ва 3-уринларга муносиб кўрилди.

Тадбирда Хотин-қизлар кўмитасининг бошлангич ташкилотлари оила, маҳалла, қишлоқ ва овулларда, ўқув мусасасалари ҳамда ташкилотлар, ийрик корхоналарда давлатимизнинг аёлларга оид сиёсатини тарғиб этиш, Хотин-қизлар кўмитасининг фаолияти ва позициясини, нуткай назарини халқимизга етказиш каби ишларда асосий сунъя бўлиши таъкидланди.

Эътиборли жиҳати, тақдирлаш молосимида барча совинидорлар муносиб эътироф ва эътиборга сазовор бўлди. Ҳар бир иштирокчи Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитасининг дипломи ҳамда мустақиллик йилларида Хотин-қизлар кўмитаси тизимининг тамал тошини кўйган, Республика Хотин-қизлар кўмитасининг илк раиси, Ўзбекистон Халқ шоири, «Эл юрт ҳурмати» ордени соҳибаси Ҳалима Худойбердиеванинг танланган асарлари тўплами билан тақдирланди.

Ўз мухбиризим.

Xalqaro ekspertlar:

“O’ZBEKİSTON TAJRIBASI İBRAT OLISHGA LOYIQ”



10 сентябрь куни Истанбул шаҳрида «Ҳеч ким четда қолмайди: имконияти чекланган аёллар ҳамда ёшларнинг ҳукуқларини таъминлаш» мавзуида уч кунлик семинар ташкил этилди. ЮНФПАнинг Шарқий Евropa ва Марказий Осиё давлатлари бўйича миңтакавий официалномонидан ўюштирилган мазкур анжумандада давлат ташкилотлари ҳамда фуқаролик жамияти таъминлаш, имконияти чекланган аёллар ҳамда ёшлар ҳаётда кўп тўқнаш келадиган муаммоларни мухоммад қилишиб.

Узбекистон Хотин-қизлар кўмитаси томонидан биринчи ўринbosari Зулайҳо Махкамова бошлигидаги делегация иштирок этди.

Семинарда вакилларимиз Ўзбекистон Республикаси нинг яқини кирган «Хотин-қизларни тазиқи ва зўравонлиқдан ҳимоя қилиш тўғрисида» ги Қонуни ижросини таъминлаш механизм-

таклифлар билдирилди.

Хотин-қизларни зўравонлиқдан ҳимоя қилиш, жабдийдадарга кўрсатиладиган хизматлар ҳамда ҳамкор ташкилотлар билан олиб бориладиган ишлар ҳақида аҳоли, айниқса, имконияти чекланганларнинг ҳабардорлигини ошириш бўйича лойиха тақдимоти эса йигилганлarda катта таассурот колдирди. Халқаро эксперлар Ўзбекистоннинг бу борадаги таърибаси ривожланаётган давлатларнинг аксарияти учун намуна бўла олишини алоҳида айтиб ўтиши.

Анжуман сўнгидаги имконияти чекланганларнинг репродуктив ҳукуқларини таъминлаш, уларнинг турли хизматлардан фойдаланиш имконияти парини янада кенгайтириш бўйича тавсиявий характерга эга бўлган чорадабидар белгиланди.

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси

Жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан алоқалар хизмати.

СТАТИСТИКА

- ✓ имконияти чекланган аёллар дунёдаги барча хотин-қизларнинг 19,2 фоизини ташкил қилади. Бу жаҳондаги ҳар бешинчи аёл ногиронлиги бўлган шахс, дегани;
- ✓ дунёда 180 — 220 миллион нафар атрофида имконияти чекланган ёш бор. Уларнинг аксарият кисми ривожланаётган давлатларда яшайди;
- ✓ имконияти чекланган хотин-қизлар ва ёшлар ҳали-ҳамон оиласи режалаштириш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, репродуктив ҳамда жинсий саломатлик масалаларида турли-туман тўсиқларга дуч келишмоқда;
- ✓ стигматик дунёқараш, тақиқлар, нотўғри ёндашув ва очиқ ахборот маконининг мавжуд эмаслиги буғунги кунда ҳам имконияти чекланган инсонларнинг худди сизу биз каби яшашига тўсқинлик қилмоқда. Ва биз кучларни бирлаштирган ҳолда уларга мадад қўлини чўзишимиз керак.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги

“Оила” илмий-амалий тадқиқот маркази томонидан таъсис этилган “Марказий Осиёда жамият, гендер ва оила” номли халқаро журналнинг илк сони тақдимоти олиб ўти.

YANGI NASHR TAQDIMOTI

Кенг жамоатчиликка танишириш мақсадида ташкил этилган тадқимотда нашрнинг асосий вазифалари, мазмунан таомиллаштириш бўйича тавсиялар, илмий-тадқиқот мусасасалари билан тизимли ҳамкорликни фаоллаштириш, шунингдек, юртимизда оила институтини мустаҳкамлашга қаратилган давлат сиёсатига халқаро жамоатчилик эътиборини қаратиш масалалари кўрилди.

Нуфузли илмий нашрнинг боз мұҳаррири “Оила” маркази директори Д. Ташмуҳаммедова барчани таҳрир ҳайъати, жамоатчилик кенгаси, журнал оидида турган мақсад ва вазифалар билан танишириди. Журнал босма ва электрон шакидаги рус ва инглиз тилларида 2019 йилда 2 марта, 2020 йилдан эса ҳар чорада чоп этилиши режалаштирилган.

Таҳририят кенгаси ва ҳайъат аъзолари мамлакатимиз-

нинг етук сиёсатчилари, парламент аъзолари, халқаро миқёсда Германия, Буюк Британия, Қозогистон, Канада, Қирғизистон, Россия, АҚШ, Тажикистон, Франция, Япония, Ҳиндистон каби мамлакатларнинг кўзга кўринган олимлари, фан аробларидан иборат.

Шуни таъкидлаш лозимки, мазкур журнал оила ва никоҳ масалаларини ёртиш бўйича биринчи фанлараро нашрдир. Олий атtestация комиссияси рўйхатига кирилган журнални нафақат юртимизда балки, бутун жаҳон бўйлаб кенг тарқалиши режалаштирилган.

Ўйлаймизки, ушбу халқаро журнал факат илмий тадқиқотчилар ёки шу соҳа вакиллари учуннига эмас, балки бутун республикамиз аҳолиси учун мухим дастурларни бўлиб, уларнинг севимли нашрига айланади.

Ўз мухбиризим

AYOL – XONADON SHAMCHIROG‘I

Момоларимиз: «Қиз ўсса эзлинг кўрки», — дея бежиз таъкидлашмаган. Қизи бор уйнинг остонасидан киртанингиздаёт уйнинг қандай тарбия олаётганидан боҳабар бўласиз. Оналаримиз бу нозик тарбиянинг ҳар бир нозик жиҳатларига жиддий ётебор қаратишган.

Ағсусли, кейинги пайтларда ўқувчи қизлар томонидан содир этилаётган балъзи жиҳоятлар катталарни бирдек ташвишга сомлоқда. Ҳуш, бу ҳолатларни содир бўлишига қандай омиллар сабабчи бўлмоқда?

Қумкўғон туманиндағи 8-умумий ўрта таълим мактабида туман хотин-қизлар

кўмитаси раиси ва «Оила» илмий-амалий маркази иштирокида «Аёл – хонадон шамчироги» мавзусида давра сұхбати бўлиб ўти. Унда оиласининг тарбиянинг мұқаддаслиги, эрта турмуш ва эрта түгуркунинг салбий оқибатлари борасидаги саволлар атрофида қизин мунозара юритилди. Айниқса, кейинги пайтларда ўқувчи қизлар орасида ўз жонига қасд қилиш ҳолатлари ҳам учрайтганлиги ва бу масала жамиятдаги ҳар бир инсонни қизлар тарбиясига бўшиликлар ҳақида таъкидлаш ўтиди. Тадбирда ўқувчи қизларнинг ота-оналари ҳам фаол иштирок этишиди.

Чориҳон ҚОСИМОВ

UMUMBASHARIY DARD

yoxud Nazar Eshonqulning "Og'riq lazzati" hikoyasini o'qib

Инсоннинг бутун ҳаёти тўрт босқичдан иборат: туғиладилар, яшайдилар, азобланадилар ва ўладилар!

**Анатол Франс,
Француз адаби**

Aдабиётнинг кучоги катта, химмати чексиз. Шу туфайли унинг эркатоига айланган, химматидан баҳра олиб ўзига ўхшаган саноқсиз бошқа ёзарманлар каби уни ачомлаб ётган ижодкор зоти бисёр. Лекин вақт атамиш олий ҳакам мавжуд экан, бундай эркатоилар қочондир ўз самимияти, пайдеки ўларок баҳоланиб бирин-кетин саноқдан тушиб қолаверади. Буни яхши хис этгани учундир эҳтимол, ҳақиқиистеъод адабиётнинг кучоғига эркаланиб-сўйкаланиши хуш кўрмайди. Аксинча, у кўн йиллардан бери ўзгармас ва мустаҳкам деб тан олинган адабий мезонлару-қолипларни, бадиий тасаввур чегараларини парчалаган ҳолда адабиёт майдонига кириб келади, таъбир жоиз эса адабиётнинг ўзининг ҳам аклини шошириб кўяди.

Ўзбек адабиётнинг улкан адабиляридан бири Назар Эшонкулни ҳам биз кўркмасдан худди шундай – ўз нафаси, ўзбек адабиётida таъсир кўламига эга ёзувчи десак муболага килмаган бўламиз. Шу бойисдан унинг ижод намуналари на миллий ва на замонавий характерга эга эмас, балки умуминсоний рух билан ёзилган бўлиб, умумбашарий дард ила сурориландир.

Менинг бу айтганларим оҳорли гап эмас, албатта. Бу гаплар мендан аввал ҳам қайсицир шаклда адабиётга нисбатан ҳам кўлланилган ва ўкувчилар кулогига етиб борган. Бас, шундай экан, мен бугун адабиёт Назар Эшонкулнинг адабиётимизда тутган ўрни ва бошقا ижод намуналарини бир ёқа сурган ҳолда, унинг ижодига бўлган муносабатимни биргина "Огриқ лаззати" ҳикоясидан олган таассуртларим орқали баён қилишга ҳаракат қиласман.

ПРУЖИНСИМОН АСОС

Тезис нуқтаи назаридан олиб қаралганда "Огриқ лаззати" ҳикояси пружинасимон асосга қурилганга ўхшайди. Бу пружинанинг ҳар битта ҳақиқаси маъно ва мантиқий хуносалардан иборат. Энг таҳсинга сазовор томони шундаки: ўзувчи мутолаа қилиш жараёнида ҳақиқадан ҳаљқага ўтгани сайн үндаги маъно ва моҳият кенгаяди-оидинлашади ва айни пайтда эгилади ҳамда букилади. Мана шу сабабга кўра мазкур асарга ўнлаб рақурсларда назар ташламоқ ва асарни үндан ҳам кўпроқ нуқтаи назардан туриб шарҳламоқ мумкин.

Шундай қилип, мен асарга аввало "рамз"ларга асосланган тамадун адабиёти нуқтаи назаридан нигоҳ ташлашни лозим топдим. Асарга бундай ҳолда нигоҳ ташланганда эса үндаги профессор ҳам, томошабин ҳам рамз ва тасвириланган оғриқнинг ўзи ҳам рамзий ифодадир. Чунки ҳар қандай жамият ва ҳар қандай тузум, истаймизми-йўқми, инсонни мана шундай азобга гирифтор этади. Ахир асаримизгача бўлган даврда инсон тафakkurини маҳсул бўлган ядроий куроллар, инсоннит ўюштирган иниклибу-бардимонлар ҳаммаси ҳам одамзотни бутунлай ҳалокатга дучор



қилишга, одамзотни маҳв этиб ер юзидан бутунлай супуриш ташлашга қартилган эмасди. Бу ҳаракатлар бир кисм одамни ҳалокатда дучор этгани ҳолда яна бир кисм одамларга саодат улашиш учун эди. Бироқ буғунги кунда нафақат гуманитар фанлар, балки аниқ фанлар ҳам шуни тасдиқлайдики: кўпчилик ўлаганидай дунё ва инсоният қисмлардан иборат эмас, аксинча у бир бутундир! Шунинг учун инсон тузум ва миллатларга бўлиниб, ўз манфаати йўлида ўйлаб топаётган ҳалокат воситаларининг курбони инсониятнинг ўзи бўлиб қолаверади... Демак, асарда



тасвириланган маҳкумлар – ўзининг ярасига ўзи тус сепиб, ўзини ўзи азоб-укубатларга гирифтор қилаётган жамият; профессор – бу каби найрангларда асосий роль ўйнайдиган зиёлилар; томошабинлар – инсониятни қовуриб, бир-бирига гижгижлаб, ўз этни ўзи ейишга мажбур қилаётган айрим "йўлбошли", инқилобу-бомбардимонлар асосчилари. Камо таъбири билан айтганда "дунё ҳукмдорлари"дир. Асардаги тўртинчи маҳкум борасида эса, мен бу ерда муаллиф большевиклар коммунистик партиясининг назарда тутмаятификан, деган хаёлга бордим. Чунки партиялар қурилишида большевиклар коммунистик партияси тўртинчи ўринда тургани бизга маълум. Боз устига асардаги "...қадим паҳлавонлардек баҳтиёр қиёфасини кўриб у айнан шу лаҳзани ҳеч қайси жаннатта алмаштиримайди, уни ҳеч қайси пайғамбар, ҳеч қайси муқаддас китоб бу лаззатдан маҳрум эта олмайди деб ўйлардингиз" қабилидаги сўзлар, колаверса, тўртинчи маҳкум ўлим топгандан кейин ҳам бу заминда қолмай, ўзга бир заминда – лаззат оламида қолгани мени шундай ўйлашга мажбур этади. Ахир 72 йил ҳокимият тепасида турган коммунистлар партиясининг асл башараси очи-

либ, ҳокимиятдан қулаганидан кейин ҳам бу партияниң хайриҳоҳлари ўзояларига бўлган маҳкумлиқдан кечмасдан, ўша тузум ва ўша жамиятни ёклаб, яшаб ўтганлари ҳеч кимга сир эмас...

Асарни мутолаа қилар эканман, ҳар бир жумла, ҳар битта ҳодисада муаллифнинг заҳарханда табассуми, гўё аслида йигига айланниб отилиб чиқиши керак бўлган-у, аммо қорачиқларида бўзлов бўлиб қотиб қолган киноявий нигоҳи мени таъкиб эта борди. Тасаввуримда муаллифнинг бу заҳарханда, аччиқ кинояга йўргилган нигоҳи бутун инсониятнинг асрлар оша яшаб келган шу буғунги ҳаётигача довур боқиб турганга ўхшади. Ўзимча инсониятнинг ўз этини ўзи шилиб лаззат олаётганига, ўз-ўзини азоблашнинг янгида янги усусларини иҳод этётганига ўтмиси ва буғундан тақослар ахтарар эканман, мен бамисоли саволлар гирдобига тушиб чирпирак бўлаётганга ўхшаб қолдим. Энг ачиниариси шунда эдики, бу саволларга жавоб топиши қанчалик уринсан ўзим инсониятнинг котили деб билган ёки аксинча ўзим инсониятнинг раҳнамоси деб ҳисоблаган айрим қишилар, керак бўлса ота-боболарим ҳақидаги тасаввурларим ҳам шунчалик ўзгариб бораради. Ҳа, асар мутолааси жараёнида кўнглимда тугилаётган бу савол ва иштиохларнинг тугал жавоби

кандай яратиқ мукаммал эмас. "Огриқ лаззати" ҳикоясини ҳам китобхон, ҳам адабий тадқиқотчи сифатида шарҳлашга уринар эканман, шу ўринда кичик бир камчиликнида сезгандай бўламан. Ахир адабиётини яхши тушунадиган ҳар битта одамга шу нарса маълум: бадиий асадардаги бадиий ҳақиқат ҳамиша ҳаёт ҳақиқати билан хисоблашиши, керак бўлса унга эргашиши шарт. Мисол тариқасида келтиришим мумкинки, Габриэл Маркеснинг "Ёлғизлигининг ўз ийли" асарида лўли Мелкацес олиб келган оҳанрабодан ҳар қандай ўкувчи ҳайратга тушади. Ёки бўлмаса Маркес ўз асарида "Полковник Арелияно Буендиа" 32 марта исен ќўтарида ва 32 марта ҳам маглуб бўлди, 4 марта суюқсаддан, 72 марта пиистирмалардан омон қолди..." деб ёзган бўлса, биз асар давомида бу суюқад ва пистирмаларнинг хаммасидан ҳабардор бўлишимиз мумкин. Асадардаги Макондага кирада келган лўлилар, оҳанрабода ва албатта полковник Аурелиано Буендианинг ҳаётидаги тақослар ҳам бу бир рамз, лекин булар бари бизга реаллик бўлиб туюлади ва ҳаёт ҳақиқатига ҳеч қандай птурт етказмайди. Шу жиҳатдан олиб қаралганда эса дунё адабиётидаги "изм"ларни яхши тушунмайдиган, яъни "символ"ларни қабул қила олмайдиган кўп сонли

**НАЗАР ЭШОНҚУЛ
ОГРИҚ ЛАЗЗАТИ
"ҚОРА КИТОБ"ДАГИ
ТАГИГА ЧИЗИБ ЎҚИЛАДИГАН САТРЛАР**

www.kh-davron.uz

ё буткул қайта тирилмоқ ё батамом маънавий ўлим билан тенг эди, назаримда!

ТАСКИН

Бироқ мен бекорга ушбу битигим ибтиносида француз адаби ва адабий танқидчиси Анатол Франснинг инсон ҳаётла келиб босиб ўтиши мукаррар бўлган тўрт босқич ҳақидаги фикрини эслаб ўтган эмасман. Ахир ер куррасини инсонга яшаш учун замин этиб белгилаган Буюк Яратувининг ўзи ҳам қодир зот бўла туриб бандаси учун ҳамма нарсани яратиб бермади. Аксинча, кўпгина нарсани бандасининг ўзи яратишни, бу йўлда меҳзан қилишини... ҳамда... азоб чекишини ирода қилди. Демак, асарга бошча бир томонлама қаралганда инсон ҳаётининг ўзи азобланишдан, оғриқ лаззатини тобиги, бу азобни севиб ва уни бошқалар билан бўлишиб яшашдан иборат экан. Тузум ва жамиятнинг номукаммал қоидаларга кўз юмб асарни ўндан-да чуқуроқ позицияда таҳлил қилишга уринсан, Назар Эшонкулнинг "Огриқ лаззати" ҳикоясини бани башар қисматидаги ўзгартариб бўлмас қонун, инсоният учун олдиндан ўқилган ҳукми олий деб баҳоламоқ ҳам бўлур майди. Яъни, яшаш асли – оғриқ лаззати эмасми?

КИЧИК БИР ЭЪТИРОЗ...

Инсон кўли билан яратилган ҳеч

анъанавий китобхонлар учун "Огриқ лаззати" ҳикоясида тасвириланган воқеалар мантиқа – ҳеч ҳақиқатига зиддир. Асадардаги ифода қанчалик пухта бўлмасин, ўндан биргина шу "рамз" тушунчасини олиб ташласак, ҳикоядаги ўзини азоблаш эвазига томоша кўрсатадиган маҳкумлар ҳам, томошабин, профессор ҳам ёлғончайш, тўқима образларга айланниб колади ҳамда бирор ўкувчи асадаре воқеаларини ҳаётидаги хисоблашиши қабул қила олмайди. Агарда муаллиф асадаре воқеаларини тушу сифатида берган тақдирида ёки адабиётдан кўп синаланг усуслардан биттаси: төбә ё соғ одамлиги номаълум бирор кимсаннинг қолдириб кетган дафтаридағи битиклар қабилида берган бўлганда, менимчағоя билан бирга реалликни, ҳаёт ҳақиқатини ҳам сақланиб қолган бўлур эди...

Сўзим охирида яна бир бор айтиб ўтиши лозим кўрояманки, нима бўлганда ҳам бугунги ўзбек адабиётимизда Назар Эшонкул ўзининг мустаҳкам ўрнига эга ҳамда унинг асадарлари ичиди "Огриқ лаззати" ҳикояси ҳам ўкувчи қайта-қайта мутолаа қилиб ички дунёсини бойитишга арзийдиган асадардир.

Байрам АЛИ

AYOL MILLATNING OR-NOMUSIDI

(“Libosda millat yuzi nomoyon” maqolasini o‘qib...)

Ижтимоий ҳаётимиздаги долзарб мавзуларни күтариши, миллат тараққиёти учун қайғуришга чорловчи лойиҳалари туфайли "Оила ва жамият" газетаси нафақат хотин-қизлар, балки кенг омманинг, айниқса, зиёлиларнинг эътиборидаги нашр бўлиб келган. Газетанинг жорий йил 21 августдаги 30-сонида куюнчак журналист Ҳадичахон Каримованинг юқоридаги сарлавҳали мақоласи фикримизга далилдир. Ўзбек қизаёлларининг кийиниш маданияти ҳақида қайғуриб ёзилган ушбу мақола Фарғона вилояти Қўштепа туманидаги 1-ИДУМИ педагогик жамоаси ўртасида қизғин муҳокама этилди, ундан муроҳазалар аслида барча муаллимларнинг дилида-ги гаплар бўлиб чиқди.

Дархақиқат, миллатни та-
наззулга етакловчи асосий
омиллардан бири бу халқнинг
ўзлигини, ўз маданиятини унтишидир.
Бугун баъзи бир "замонавий" ша-
римизнинг кийиниш маданиятида акс
этаётган кусурлар ана шу ҳалокат
нишоналари десак, адашмаймиз. Бу
борода ўйл-кизларимизга бис каттаплар
тўғри йўл кўрсатишмиз, ўз ҳолларига
ташлаб кўймаслигимиз керак. Мақолага
муносабат сифатида устозларнинг
анчан фикр ва таклифларини газетага
йўллашсан жоиз деб билдиқ.

— Аёл — мильлатнинг ор-номуси. Шундай экан, у ўзини муносаб тутиши, шаънни асраси керак. Бугунги қизларнинг очиқ-сочиқ кийинишига қараб келажагимиздан хавотирланишимиз ҳам шундан. Мактаб-интернатимиз аёллари мақолада илгары сурилган фикрларга тўлиқ кўшиламиш, муаллиф айни кўнглимиздаги оғриқда мальҳам излабди. Либосга алоҳида эътибор карашибимиз, ёшларда миллӣ руҳни шакллантиришимиз, бу масалада як-диллик билан иш олиб боришимиш керак, токи айтилган гаплар гапличига қолиб кетмасин, амалда татбиқ этилсин. Шу ўринда эр-каклиаримизнинг кийинишилари ҳам рисоладагидек эмаслигини таъкидлашни истардим. Тор ёки калта шимлар, очик рангдаги гулли кўйлаклар ўзбек йигитларига асло хос эмас. Кадриятларимизга мутлақо зид бундай одатларга қарши жиддий курашиш пайти келди!

Холидахон
Усмонова, ма-
тематика фани
ўқитувчиси:

— Ҳәеси
йүкнинг чи-
ройи йўқдир,
дайди донолар.
Зеро, ибо-ҳаё ҳар
қандай қимматбаҳо
либосдан кўра инсонга



зеб беради. Ҳозирги қызларимиз, аёллари-
мизнинг кийиниш ма-
даниятида айнан шу
хислат – ўзбекона ҳаё
етишмаётганилиги, аф-
уски, ҳақиқат. Мақолани
ўқир эканимиз, бу масала
ҳаммамизнинг дилимиз-
ни хира қилаётганини
ҳис қилдик. Биз му-
ассасамиз йигит-
қызларининг кийи-
ниши бўйича анча
қаттиқўллик қилиб,
тор ва калта либослар
билип курашиб келганимиз. Лекин
мактабни битириб, бошқа мухитга
ўтган айрим қызларимиз таниб
бўлмас дараражада ўзгариб кетга-
нини кўрдик. Демак, тарбияда бў-
бўгинимиз бор. Ўлайманки, бу ма-
салага жамиятнинг ҳар бир бўғини
– бочга, мактаб, олий ўкув орталари
маҳалла, жамоатчилик ташкилот-
лари бирордек жиддий қарасагина
натижа бўлади.

Нодиржон Бакиржонов
она тили ва адабиёт фани
ўқитувчиси:

— Хар қандай иллатманбай бўлади. Ана манбани йўқ қимлагунча иллатдан кутулиб бўлмайди. Очик-сочиқ кийинишда ёшлари мизга "кодуз" даражасига чиқсан каталар "ўрнак" бўлаётгани бор гап:

бортан. даги гүл
йигитлар ўзбек йасло
Мессига тақлидан соқол кўйса,
қизлар турк актри-
саларига монанд
калта кўйлак кийяп-
ти (бу ҳолат хатто
ёши катталарда
ҳам кузатилмоқда).
Аёлларимизнинг
вакти телевизор
каршисида, сериали
томуша килиб исроф



Шу ўринда
эркакларимиз-
нинг кийинишлари
ҳам рисоладагидек
эмаслигини таъкидлаш-
ни истардим. Тор ёки кал-
та шимлар, очиқ ранг-
даги гулли кўйлаклар
узбек йигитларига
аспо хос эмас.

дан
кўйса,
турк актри-
нига монанд
кўйлак кийяп-
ти хотал ҳатто
катталарда
узатилмоқда.
аримизнинг
телевизор
сида, сериал
килиб истроф

бұляпты, ки-
тоб ёки газета
ўқидиганлари
кам. Демак,
уларга телеви-
дение орқали
таъсир кўрсатиш ке-
рак. Кўрсатувларни
миллийлашти-
риш, экранда-
гиларнинг
кайиниш
маданияти бўйича
қатъий мезонларни жорий
этиш керак. Бу ўринда хотин-кизлар кўмитаси
томонидан ташаббус
бўлиши жуда муҳимdir.

Синфада тор, калта юбка
кайган қизлар бўлса,
айнича, юкори син-
фларда йигитларнинг
дарсадан чалгишларига
олиб келмоқда. Энг ёмо-
ни, қизлар ўзларининг
бу ҳолатларини хис-
килишмайди, кўр-
курона кийини-
шади.

Жаҳонгир Пирназаров, тарих
фани ўқитувчиси:

- Қаламга олинган мавзуу юрагимга тегиб ўтди десам, ёлғон бўлмайди. Негаки, жамиятимиздан кийинши маданияти шаклланмаганлиги қанчалар катта муаммоларга сабаб бўлишининг шахсан ўз бошимдан ўтказиб билгланман. Яратганинг изни билан ўй беш йил дегандага фарзандли бўлганмиз. Унгача

- Ўғил-қизлар билан ишлар эканмиз, очик-сочиқ кийинишнинг болалар одоб-ахлоқига, хулқига салбий таъсирини доимий кузатиб турибиз. Биргина мисол: синфда тор, калта юбка кийган қизлар бўлса, айнича, юқори синфларда йигитларнинг дарслади чаглишларга олиб келмоқда. Энг ёмони, қизлар ўзларининг бу холатларини ҳис килишишади, кўркуона кийинишиади. Хўш, улар-ку ёш, каталарнинг кўзи қаёда? Йигитлар, хатто кал-катта э

Илийлар, хат то калп-кага бэхжүүлж, шалтгаалж, энэхүү
хамгийн хям капта шим (шорти) норишилдэг милийн маданиятимизга
д. Шундай экан, ушбу муаммолар хорат билан таажилгин газар
хола жамоат ташкилтларыда, ўкув ассасаларыда ўйц-үрганилиши ке-
жүү, деган фикрдаман.

Шоирахон Усмонова, ҳамшира

— Мақоланы үкіб, яқында йўлда бўлган бир воқеа ёдимга тушди. Ёшгина киз биз ўтирган “Дамас” автомашинаси тұхтатди. Аммо ѿқисаннинг торлигидан уч-тўрт марта уриниб, зўрга чиқиб оғди. Уни изза килишин истамасак-да, шу ернинг ўзіда муносабат билдирид. Қыз хижолат булиб, албатта, тўрги хулоса чиқаришини айтди. Унинг жавобидан кўнглимиз тўлди. Ёшларимиз ақлли, билимли, ўз вақтида тушунтиришни билсан жим караб турмасак бўлгани.

Хулоса ўрнда айтиш керакки, тарбияннин боши оиласда. Агар ота-оналар тарбияни мұккамал бара олсалар, бу фарзанд учун бир умрга етади. Көлінг, тарбияни ўзимиздан бошлайлик. Ёшларға ибрат бўлиб, оптимиздан зргаштириялек. Миллатимиз юзи бўлмиш либос ўзбегимиз шаънини юксалтириша хизмат қўлсин.

Педагоглар фикрларини ёзиб олганлар:

Юсуфжон РОЗИҚОВ, илмий
бўлим мудири,
ҳалқ тарз лими 21-сончи

Мастурахон СОДИҚОВА, она или ва адабиёт фани ўқитувчиси.



KICHKINTOYTOYCAR

"SEVISHNI" KIM DAN O'RGANISHYAPTI?

Бугун ҳаётимизда бўлаётган ўғли, ёмон ишларнинг ҳаммасига замонни айбор қиласидан замонда яшаяпмиз. Ҳа, тўғри (баъзи) қизларимизда ибо-ҳаёй ўқолиб кетаётганига ҳам, (баъзи) йигитларимизда ор-номус камайб кетаётганига ҳам, (баъзи)оналаримиз гап-гаштакдан ортмай қолганига ҳам, (баъзи)дадаларимиз пул топип ёмон йўлларга кириб кетаётганига ҳам замон айбор...

Ҳозирги замоннинг ёш болалари ҳам жуда бошқача, катталар зўрга тушнадиган сенсор телефонларининг ёғидан кириб, бу ёғидан чиқишиди, худди артистлардек кийимни танлаб кийишиди, оғизларидан чиқаётган гап-сўзларнику айтмаса ҳам бўлади. Бугуннинг жажки кичконтойлари ҳаттоқи севишни ҳам билишади. Ҳайрон қолмаяпиз, тўғри-да ҳайрон бўладиган ҳолат эмасдир, балки. Ҳали ўзлигини яхши танимайдиган кичконтойларга "яхши кўришни" ким кўйибди..?

"УНИ ОЙИМ ТАНЛАГАНЛАР..."

Ҳали ҳануз эсимда, ўшандага алифбо байрамимиз эди, қизалоқлар ҳам, йигитлар ҳам байрамона либосларда, бежирим соч турмакларда бир-биридан чиройли кўринарди. Байрамимиз бошланиша арафасида, ҳамма ота-оналар фарзандлари билан овора, бир вақт Нодир исмли синфдошиминг ойиси Динора исмли қизимизга қараб: "Бунча чиройли, бунча ёқимтой қиз бўлмассангиз, сизни ўзим кепин қиласади", деди. Энди биринчи синфи тутагни арафасида турган гўдак келинликни тушуниб етариди. Қизча ҳам кўйлакларини тўгрилаётган онасига қараб кулиб кўйди. Онасига Динора ёқканини эшитган Нодир эса, шу қизга уйланарканман энди деган хаёл билан кейинчалик унга хат ёзиб дил изҳор қилган. Умрида бунақа хат кўрмаган қиз йиглаган, хат мактаб директорининг кўлига бориб тушгач катта машмашага айланниб кетди. Нодир ўзини оқлаши кераклигини билгач, "Уни ойим танлаганлар, мен унга уйланаман", деб кўя қолди.

"ДИЛБАРНИ ЯХШИ КЎРАСАНМИ, ШОХСАНАМНИМ..?"

Махалламиздаги Мақсад ака 4 ёшли ўғли Асадбекни боғчадан олип қитаётган экан. Кутимаганда уларнинг сұхбатини эшитиб қолдим. "Кани,

ўғлим, боғчада нима гаплар бўляпти? Богча опанг уришмаяптими? Шўхлик қипмаяпсанми?" дега сўроқка тутиб бошлаган Мақсад аканинг кейнинг саволи қизлар (яъни ҳали аклини танимадиган жажжи қизалоқлар) ҳақида бўлди:

- Гурухингда чиройли қизлар кўпми?
- Ҳа, кўп...
- Ислами нима экан ўша қизларни?
- Дилбар, Шоҳсанам
- Қайси бири кўпроқ ёқади, Дилбарни Шоҳсанамни?
- Иккласи ҳам чиройли, менга олма, шоҳолад беришади...
- Ўша вақтда "Ҳа, ота ўғил" дега хан-

дир кафолат берга оладими?). Реклама сўнгидаги эса романтик кечада бериладиган никоҳ узуги ўрнида памперс.

Кунининг деярли ярмини телевизор қаршисида ўтказадиган болажонлар тарбиянинг З дан бир фоизини ҳам телевизордан олишади. Мана, "Лалаку" памперсинга рекламасини олайлик, иккита жажжи болакай кечки овқат учрашувида, вино ичиладиган рюмкада сут ичишади (прикол қилиш мақсадида килингани маълум, лекин бу реклама фаттаталар учунгина кутилиши бўлиши мумкин, кичконтойлар жиддий қабул қилмасликларига кимидир кафолат берга оладими?). Реклама сўнгидаги эса романтик кечада бериладиган никоҳ узуги ўрнида памперс.

нималигини билса..

Бола вақтнинг асосий қисмини ҳам, эътиборини ҳам мультфильмга қаратади. Ҳозирги замон мультфильмларида эса кўрсатилмаётган нарсанинг ўзи ўйк. Мультфильм зўр шумликлардан тортиб қиз боланинг кўнглини қандай олишини ҳам ўргана олади. Ёш бола тақлиди бўлади, "куш инида кўрганини қиласади" деб бежис айтишмаган ахир, бола кўзи билан кўрган ишини қилипси келади, килади ҳам.

"МЕН СИЗНИ СЕВАМАН" ДЕЙДИ

— Менинг болаларим кичкиналигидан уятчан бўлишган. Қизлар ҳақида ўйлаш ўёқда турсин, улар ҳақида гапиришмаган ҳам, — дейди Санобар Ҳамзаева. — Аввал замон бошқача бўлган-да, ҳозир эса акси... 4-5 ёшли навараларим уялмай бочгасидаги қизчалар ҳақида гапириб ўтиришади. "Севаман" дейишини билишади, севишни билишади. Замон таъсири биланни севиш туйгусининг моҳиёти ўзгариб кетяпти. Эсини танимадиган болалар биттасини чиройли либосига қараб, яна бирини соч турмагига қараб ёқтириб қолишади ва "севаман" дейишиди. Орадан вақтлар ўтиб туйгусини моҳиётини англагандаги эса кеч бўлиши мумкин.

Камолот Мухамеджанова, болалар психологи:

— Ҳозир чучук тиллари билан "Мен sizni sevaman" дейётган кичконтойларимиз севги нималигини билмаслиги барчамига ҳам кундек равшан. Бола тақлиди бўлади, айниқса 3-4 ёшлар оралиғидаги болалар кўзлари билан кўрган ҳаракатларини албатта қилиб кўришга интилишади. Бу ҳолат оиласадиги муҳихи ҳам боғлиг. Ҳозирги ёш оиласадарда уялиш деган нарсалар ўқолиб кетяпти, борган сарі замонавийлашиб кетаётган ота-оналар фарзандларини олдида қўй ушашибми, кўз уриштиришиб, кулишиб ўтиравериади, вахоланки бу жараённинг ҳар нуқтаси боланинг эътиборидан четда қолмайди. Шундан кейин болада катталар қилаётими мен ҳам қилишим мумкин экан деган тушунча шаклланади.

Шундай экан, оналаримиз тарбия бераётганда болажонлар қилаётган қиликларига ҳам, айтадиган гапларига ҳам жиддий эътибор беришса. Ёмон одатларни нима учун ёмонлигини ўтиришиш, яхши бўларди.

Василабону ҲАБИБУЛЛАЕВА,
"Оила ва жамият" мухбари.

ХАЙОТИМIZNING ASOSIY QAHRAMONLARI



Мустақиллигимизнинг йигирма саккиз йилиги байрами арафасида Президентимиз Фармонига биноан Кавсар Турдиева “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббиий” фахрий унвони билан мукофотланди. Шу муноса-бат билан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, “Шұҳрат” мебали соҳибаси, таниқли болалар шоираси Кавсар ТУРДИЕВА билан сұхбатлашдик.

Шоира билан сұхбатимиз бадиий адабиёттинг болалар маънавий камолотидаги аҳамиятидан бошланди.

— Болалар адабиёттинг ёш авлод тарбиясига таъсири, шубҳасиз, каттадир. Айниқса, энг кичик ёшдагилар учун шеърият жанрларидағи асарлар болалар оңгига осон етиб бориши, тез эсида қолиши, шунингдек, ёш авлодни баркамот қилип тарбиялашдаги асосий воситалардан биридир. Ҳар қайси шеър болалар адабиёттинг ўзига хос хусусиятларини хисобга олган ҳолда ўқувчилар ёши ва болалар шеъриятининг талабидан келип чиқиб ёритилиди. Бугунги кун болалар адабиёти, китобхонликка ва умуман ижод намуналарини яратишдан аспо чарчамас эдилар. Шулар жумласига мен истеъодди болалар ёзувчиси, шогирдим Муаззам Иброҳимовани киритишим мумкин. Муazzамнинг ҳикоялари, киссалари, шеълрари ва умуман ижодида ҳеч кимга ўхшамаган ўз ўйли бор. Муazzамдаги оригиналлик, фантазия сюжетдаги тезкор ҳаракатлар қориши маси миллийлик билан биргалиқда ўзгача бир оламни кашф этади. Мен шундай истеъодди ижодкоримизни Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси сифатида кўришни хоҳлар эдим. Шунингдек, Замира Иброҳимова, Равшан Исоқов каби болалар адабиётiga меҳнати сингган ижодкорларимиз ҳам ҳануз Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси эмас. Болалар адабиётida қалам тебратеётган кўпгина ижодкорлар қаторида Муҳаббат Ҳамидовнинг “Фирдавснинг саргузашлари” туркум ҳикоялари, таниқли шоира Зулфия Мўмінованинг “Юмшоқӣ тиپратиканча” туркум ҳикоялари болалар адабиётининг хазинасига салмоқли ҳисса бўлиб кўшилди. Болалар шеъриятида самарали ижод қилаётган шоирларимиз билан бир қаторда ОрифТўхташ, Фахриддин Хайтларнинг ижоди таҳсинга сазовор.

— Бугунги болаларни мӯжизаларга ишонтириш қийин. Шундай экан, уларни эртаклар, шеълрар билан тарбиялай оламизми?

— Ижодкор ҳам устоз, ҳам руҳшунос, ҳам болакайнинг энг яхин кишиси сифатида унга хаёт сабоқларини беради. Ушбу сабоқлар соҳида кичик бир лавҳа, бирор реал



лари яхшигина бош қотирадилар. Бу образлилик, бу шакл, бу услуб, ҳаҳрамонлар диалогларининг ўзига хослиги ху́ллас барча-барчаси биргина бадиият сўзи билан бирлашади. Болаларга асар ёзишда айнан шу томонларига диккәт-эътибор бериш зарур деб ўйлайман. Бу ҳаёттинг энг етакчи ҳаҳрамонлари esa болалар. Faqat болалар ёзувчиси ўша мавзуни ҳаётдан қирқиб олиб, унга ишлов берса бўлгани. Бу соҳада esa ҳамма ўз истеъодди, меҳнатига ва маҳоратига таянади. Тўғри, ҳозир болалар интернет оламига шўнгиги кетган. Лекин биз уларнинг босма адабиётага меҳрини уйготишимиз даркор.

— Айтинг-чи, болалар оламига кира олишининг сири нимада?

— Бунинг сири оддий. Болалар дунёсига бола бўлиб кирмоқ, улар билан ўз тенгдошлариден сұхбатлашамоқ керак. Агар у салтанатга катта инсон сифатида қадам кўйсангиз сизни қабул қилиши қийин кечади. Ҳақиқатан ҳам болаликнинг беғубор олами бир қарашибигина оддий ва содда кўринаиди. Аслида болалар учун ижод қилиш бу болалик дунёсини тарк этимаслик ва эта олмасликийдир.

Тезкор ва ўзгарувчан замонадан ортада қолмасликка интилиш зарур. Одам-

зотнинг, жумладан, болажонларнинг феъли, орзу-истаклари замона билан оҳандошиликда ўзгариб бораверади. Тараққиётнинг асосий омили - янгилаши. Мен эски анъанавийликларнинг энг гўзал қирраларига таянган, уларни хурматлаган ҳолда, болалар шеъриятига кўпроқ янги ҳаво қўшиш тарафдорлариданман. Қолаверса, болалар олами худди эртакдагиек, қўлингизда “Сеҳрли таёқча” бўлиши даркор. Бу таёқча асло оддий таёқча айланмаслиги позим.

Бундан ташқари, болалар адабиёттинг ўз хусусиятлари бор. Бу китобҳон ёшини хисобга олиш, уларнинг табиитидан келип чиқишади. Айнан шу хусусиятдаги бадиий пухта асарлар болаларни ўзига ром қиласди ва ижодкорни ҳақиқий сеҳргарга айлантириб қўяди. Улар нафақат болаларни, балки каттапларнинг ҳам диккатини тортади.

— Болалар адабиётига кириб келаётган ижодкорларни устозлар

тўғри йўлга йўналтира оляти, деб ўйлайсизми?

— Албатта, тўғри йўлга йўналтиришга устозлар доим ҳаракат килишиади. Фақат ўша шогирдлар яъни, ёш ижодкорларимиз 1-2 та кичкина шеърий тўпламларини чиқариб олиб, ҳаволанини кетишмаса. Баъзай шундай ёш ижодкорларни биламан, ўзини “даҳо”санашади. Лекин биз устозлар улардан аспо хафа бўлмаймиз. Улар ўз йўлларини, йўналишини топа олса, четдан кузатиб бундан фақат курсанд бўламиз. Менинг шогирдларим асоссан ўзим дарс берётган Тошкент давлат педиатрия тиббиёт институтидидир. Якинда институтимиз талабаларига “Бадиий адабиётда тиббиёт” танлов соатларини ректоримиз ва ўкув бўлими ёрдамида ташкиллаштиридик. Бундай дарс соатлари ҳали бирон бир олийгоҳда йўқ. Ўзбек ва жаҳон адабиётида тиббиётга оид асарлар талайгина. Илк дарсимиизи буюк бобомиз Абу Али ибн Синонинг асарларидан бошладик. Талабаларга бу жуда қизиқарли бўлуди. Ҳам тиббий, ҳам маънавий, ҳам бадиий тушунчалари кенгаяди. Бизда таҳсил олаётган талабаларнинг ҳаммаси ҳам ижодкор эмасдир, лекин бу уларни адабиётта яқинлаштиришнинг бир йўли, холос.

— Кўпинча болалар даврасида бўласиз, улар орасида ота-онаси ажрашган ёки болалар уйида тарбиялашадиларни билан ҳам тарбиялашасиз. Бундай болаларнинг тақдири сизнинг руҳиятингизга қандай таъсир кўрсатади?

— Бундай давраларга кириш жуда оғир. Кўпинча болалар уйига ижодий учрашувларга ҷақиришиади. Ижодкорнинг түхфаси нима, албатта китоблар. Китобларим билан бораман. Уларнинг ёнди ўзимни бардан тутиши ҳаракат қиласман. Бунака болажонларга ачиниш кўзи билан қараш керак эмас, аксинча далда, сунян бўлишимиз позим. Йиқилган инсоннинг оёқка қайта турва олишига, ночор одам ҳам меҳнати, билими оркали бир кун роҳатта етишини мисоллар, ривоятлар, тажрибаларимдан кўрган кечиргандаримни кептириб, уларни ҳаётта бўлган қизиқишини ортишига ҳаракат қиласман. Лекин улар орасидан узоқлашганини сари юрагимни маҳзунлик чулғаб олаверади. Шулардан таъсирланиб, Махмуд Тўйчиев билан биргалиқда “Катта ойи” номли бадиий фильм сценариини ёздики. Фильмда меҳрибонлик уйи тарбиялашвилиларининг ҳаёт тасвирланган. “Катта Ойи” катта экранларга чиққач, барчага манзур келди. Болажонлардан кўплаб мактублар олдим.

— Ижтимоий тармоқлардан фойдаланасизми?

“Телеграмм”дан фойдаланаман. Facebookни ҳам кузатиб бораман. Бирок фаол эмасман. Гурухлардаги ижодкорларнинг ижод намуналарини кузатиб бориш учун яхши имкон ижтимоий тармоқлардир. Баъзан аёлларнинг таҳқирланиши, хўрланиши акс этган видео, хабарларни кўриб, ўқиб дилим хирапашади. Айрим аёлларимизнинг килаётган ишларидан эса ёқа ушлайсан киши. Бизни Аллоҳ нозик ниҳол қилиб яратган. Шундай экан, аёлларга хос бўлган назокатимизни унутмайлик.

Чарос ДЎСТМАТОВА
сұхбатлашди.

Mорган Фримен 1937 йилнинг 1 июнида Америкада туғилган. Онаси Мейми Эдна фаррош, отаси Морган Портфилд Фриман сартарош бўлиб ишлабди. Аммо отаси оиласа деярги даромад келтиримагани боис келиб чиқувчи молиявий қийинчиликлар оиласи яхшироқ тақдирни излашга мажбур қилди. Иқтисодий етишмовчиликлар туфайли Морганлар оиласи ижара уйларга тез-тез кўчиди ўтишарди. Улар Гринвуд, Гэри ва Чикаго штатларида яшашига тўғри келди.

Морган Фримен биринчи марта 8 ёшида Чикагода ўзи тъзим оләтган мактаб саҳнасида роль ўйнади. Бу илк тажриба унга кела жаҳади касбни танлашида ёрдан берди. Мисисипидаги "Greenwood high" мактабига ўқишига борди. 12 ёшидан бошлаб радио шоуда иштирок эта бошлади. 1955 йилда мактабни битириб харбий хизматга кетди. Ҳаво кучларидаги беш йиллик хизмат унинг характерига таъсир қилди. Харбий хизматдан сунг у Лос Анжелесга ўйлоди ва актёрга курсларида ўқиди. Театрда ижро этган дастлабки роллари омад келтиримаган бўлса-да, режиссёrlар эътиборига тушишида ёрдан берди.

1960 йилларнинг бошларида Лос-Анжелесга кўчиди ўтида Лос-Анжелес жамоатчилик коллежида котиб бўлиб ишлади. Бундан ташқари, Нью-Йоркда "World's Fair" ва "Opera Ring" мусикий гурухларида рақкос бўлиб ишлади. 1968 йилда "Hello, Dolly" мусикий асари саҳналаштирилди, ундаги барча ролларни кора танли актёrlар ижро этишганди.

Актёрга машҳурлик 70 йилда келди, ўша юли "Электрическая компания" сералида ўйнаган роли унинг актёр сифатида танилишига сабаб бўлди. Бироқ шундан сўнг режиссёrlар ёш актёri таҳминан тўққиз йил давомида унтишиди. Еш актёр уларни қизиқтирамади.

"БРУБЕЙКЕР" (BRUBAKER) ФИЛЬМИДА

43 ёшида уни ўрта ёшлардаги ақлли ёрқак (Уолтер) ролини ижро этган "Брубейкер" фильмига таклиф қилишади. Бу образ томошибинларга ёқиб қолади ва актёр келажакда шу амплуадаги ролларни ижро этишда ўтишади.

1980-1986 йилларда актёр иштирока тўртта фильм - "Мери" ("Marie" Чарльз Трауберг), "Олдин ва ҳозир" ("That Was Then... This Is Now" Чарли Вудс), "Ўқитувчилар" (Teachers, "Эл Льюис), "Дам олиш жойи" (Resting Place, Лютер Джонсон) суратга олинди. 1987 йилда Морган "Уличный парень" (Street Smart, Фаст Блэк) фильмида Fast Blak ролида экранга чиди. Танқидчilar унинг ишини кашфёт деб баҳолашди. Ушбу роли учун актёр бир вақтнинг ўзида иккита мукофот "Олтин глобус" ва "Оскар"га номзод килиб кўрсатилиди аммо уларга эриша олмади.

1989 йилда "Шофёр мисс Дэйзи" (Driving Miss Daisy Xoyk Kolber) фильми учун "Олтин Глобус" мукофотига сазовор бўлди. Уша даврдан бошлаб Морган кўпинча машҳур режиссёр

MORGAN FRIMEN:

"BIR SOAT VAQTIMNI SPORTGA BAG'ISHLAYMAN"

1989 йилда "Шофёр мисс Дэйзи" (Driving Miss Daisy Xoyk Kolber) фильми учун "Олтин Глобус" мукофотига сазовор бўлди. Уша даврдан бошлаб Морган кўпинча машҳур режиссёрларнинг кинокартиналарида намоён бўла бошлади.

ларнинг


кинокартиналарида на-
моён бўла бош-
лади. У иштирок
этган "Непрощенный"
("Unforgiven", Нэд Логан)
фильми "Оскар" мукофотига
лонг кўриди.

1994 йилда Морган Фримен учинч мартда "Оскар" мукофотига номзод кўрсатилиди. "Побег из Шоушенка" ("The Shawshank Redemption") Эллис Бойд «Рэд» Рэддинг) фильмни учун, аммо бу сафар ҳам мукофот уни четлаб ўтиб. Узоқ кутилган статуткани у орадан ўн йил ўтиб (2005 йилда "Оскар" мукофотини кўлга киритган), Клинтон Иствуд билан ҳамкорликда ишлаб "Малишка на миллион" (Million Dollar Baby, Эдди) фильмидағи роли учун олди.

Худуд шу даврда Морган Фримен "Брюс Всемогущий" (Bruce Almighty, Бог) комедиясида роль ижро этди. Фильмда асосий ролни комик актёр Джим Керри ижро этган бўлса-да, Морган Фрименга Худо роли топширилган эди. Фильм сюжетига кўра Худо одамларнинг доимий даъвосидан чарчаган ва инсониятга бундай гайрифийатий кучларни бошариш қанчалар қийин эканлигини исботлаш учун ўз кучини Брюста топширади. Актёрга ижодий биографиясидан 70 дан ортиқ фильмлар ўрин олган. Унинг иштирокидаги

кўллаб фильмлар ҳақиқий хитга айланган. Шу билан бирга актёр экранда мустақил равишда пайдо бўлиб, экран ортиқ матнларини ўзиш ва дубляждаги иштироки билан ҳам машҳур.

Кейинги ўили эса Морган Фримен ва Джек Никелсон "Пока не сыграл в ящик" (The Bucket List, Кarter Чемберс) комедиясида роль ўйнади. Фильм ўлимнинг даҳшатли мавзуси бўйича ишланган комедия эди.



Ҳикояга кўра қаҳрамонлар касаллик туфайли тез орада ўлишларини билиб қолишиди ва ўлишдан олдин амалга ошириши истаган ишларининг рўйхатини тузишиди. Рўйхатда парашуда саракш ва Гавайи оролларига сайд қилиш каби ақлдан оздируви ва ёқими таассуротлар ҳам киради. Бу эса фильм қаҳрамонларида ҳаётдан завъ олиш имконини беради.

Журналистларнинг "Фильмларингида қаҳрамонлар сув машқларини ва спорт машқларини бажарадиган саҳналар бор. Айтинг-чи, қандай қилиб буни уддалайсиз?" деган саволларига Морган Фримен: Менинг уйимда жуда яхши гимнастика зали бор ва мен ўша ерда спорт билан шугулланман. Жамоат жойида, умумий залда спорт билан шугулланмайман, чунки у ерда ҳамма сизни безовта килади. Ҳафтасига тўрт маротаба бир соатдан ортиқ вақтимни спорт билан шугулланнишга ажратаман. Инсон танасининг афзалликларидан бири бу – мушак хотиравидир. Агар сиз ўзоқ вақт давомида бирор машҳур билан шугуллансангиз, ажойиб мушак хотирави ишлаб чиқарилади", деб жавоб беради.

ШАХСИЙ ҲАЁТИ

Актёр ўзининг шахсий ҳаёти ҳақида гапирамайди. Бу каби маълумотларни ОАВда чоп этиш ҳаётининг бир қисмини олиб кўяди, деб хисоблагайди. 2008 йилнинг 4 августида Мисисипи штатидаги автоҳолакатга учрайди. Актёргиң кўли иккита жойидан синади ва катта операцияни бошдан кечиради.

ФАРЗАНДЛАРИ БИЛАН МУНОСАБАТИ

Морган Фримен тўрт марта ўйланган, аммо барча никоҳлари бузилган. Актёргиң 4 та фарзанди бор.

Ўғли Альфонсо Фримен (1959 йилда туғилган) ўғли Сайфулай Фримен (1960 йилда туғилган)

Қизи Дина Фримен (Джанетт Эдэйр Брэдшоунинг олдинги турмушидан



туғилган, Морган Фримен унга ўз фамилиясини берган)

Қизи Моргана Фримен (1971 йилда туғилган). Актёр ўз фарзандлари билан яхши муносабатда.

2016 йилда актёр Морган Фримен National Geographic Channel канали билан биргаликда суратга олинган "Xudo haqidagi hikoyalari" хўжатли фильмидаги иштирок этиди. 2017 йилнинг 7 апрелида Морган Фримен асосий ролни ўйнаган "Уйти красиво" (Going in Style, Вилли) фильмининг премьераси бўлиб ўтиди. Айни пайтда ҳам актёр кизин икод билан машғул. Голливуднинг энг машҳур актёrlаридан бири Морган Фримен дубляж актёри ва кинорежиссёр сифатида ҳам танилган. "Оскар" мукофотига сурондри, шунингдек, унинг шахсий тўпламидан кўплаб нуғузли мукофотлар, қимматбаҳо ҳайкалчалар ўрин олган.

Рус тилидан Мадина Аллаберганова таржимаси.

ENG YOMON KUTUBXONACHI

Мактабимиз кутубхонасини қанчалик яхши кўрсам, кутубхоначимиз Сабо опа шу қадар ёмон кўтар эдим. Ёши қирқдан ошган Сабо опа назаримда мен ҳаётда ёмон деб ҳисоблаган инсонларнинг энг ёмони эди! Унинг биз болаларни кутубхонага киритишни истамай хонан ичидан кулфлаб олганлари, баъзан ўқиши учун танлаган китобларимизни қўлимиздан тортиб олгани кечагидай ёдимда турибди...

Мустақиллик болалари эмасмизми, "линейка", умумий мажлисларда синдошлар билан уйишиб директори-мизга унинг устидан шикоят ҳам қилип турардик.

— «Китоб олиш учун борсак, уришиб кутубхонадан чиқариб юборди!»

— «Ҳар хил баҳоналар билан кутубхонага киритмайди!»

— «Фалон китобни варақлаб кўраётсам, қўлимдан юлқиб олиб қўйди!»

Бундай шикоятлар азбаройи одат тусига кирганидан директоримиз кўпинча асабий бир тарзда жим туриб қолар, сўнг қовогидан кор ёғиб Сабо опага "Яна-я?" деган каби кўз тикарди. Ди-ректоринг нигоҳидаги савонни уқсан Сабо опа ҳам шошиб ўзини олашга уринарди. — Ўзлари кутубхонани бошига кўтаришади.., — дерди у, жиноят устида кўлга тушгандай довдирашиб. — Аслида ўқишмайди... Олган китобларни қўтаришмайди... Оёк кийимларининг лойини кўрсангиз эди...

— Кўйсангиз-чи!.. Қўйсангиз-чи бўлмагур гапларни!.. — директоримиз кутубхонани жазолаш ўрнига, гўё аразлаган гўдакдай ўрнидан туриб кетиб қоларди. Ҳаммага боз ўзи бўлса,



— «Китоб олиш учун борсак, уришиб кутубхонадан чиқариб юборди!»

— «Ҳар хил баҳоналар билан кутубхонага киритмайди!»

— «Фалон китобни варақлаб кўраётсам, қўлимдан юлқиб олиб қўйди!»

нега директор уни қаттиқ уришмайди ё тамом ишдан бўшатиб қутилиб қўяқолмайди, шахсан мен сира тушун-мас эдим.

Орадан йиллар ўтиб биз мактабни томомладик, биз билан уриша-уриша эрта қариган Сабо опа нафақага чиқиб кетди... Бироқ биз мактабни туттаганимиздан олти йил кейин, яъни 2013-йил, май ойида бир куни телефоним жиринглади. Кўтarsam, аёл киши, худди мени олдиндан танийдигандай сенсираб гаплашиб, рақамимни мактабдаги ўқитувчилардан олганини

айтди. Мактабдан ижодий тўгарак очиб, ўқувчиларнинг шеърларини матбуотда эълон қилиб турганин учун аввалига мен аёлни тўгарагим аъзоларидан бирининг онаси бўлса керак, дея тахмин килгандим. Ундаи бўлиб чиқмади, телефон килган Сабо опа экан — ўша ёмон кутубхонанимиз! У кутилмагандага килган кўнгироғидан ўзи ҳам хиколат тортаётгандай талмовсираброқ соглигим, ижодий ишларим қандай кетаётгани билан қизиқсан бўлди.

— Асли телефон килганим... Сен, эшитмадингим.. — деди ниҳоят индал-

Zamondoshlarimiz

BIR AYOLNI TANIYMAN

Мен бир аёлни танийман... Унинг исми ЗИЁДА.

Қаердан танийсиз дейсизми?

У менинг шеърларим мухлисаси.

Аммо мухлислар ҳам турфа хил.

У ўта ашаддий! Ҳар бир шеъримнинг қат-қатига сингиб кетади.

Шеърда ўз дардини топса-топласа ҳам кувнаб, ҳам йиглай олади.

У менинг шеърларимни мендан кўпроқ биладигандек...

Балки, шунинг учун яхши кўрарман уни...

Мен бир аёлни танийман...

У узост, у муаллами. Оддий бир мактабнинг раҳбари.

Мени лоқ кўлдигани ҳар битта ўқувчисининг исмими айтиб ҷақириши. (кечирависиз, мен тўртта боламнинг исмларини адаштириб қўяман, гоҳида). Ҳар битта ўқувчисини шахсан билиши, муаммоси ёки ютуғидан хабардорлиги.

Бирортангиз ўзи раҳбарлик қилаётган мактабнинг ҳовлисими супирайтган директорни кўрганимиз? Келинг, кўрасиз! Бу йил мактаб таъмирланди. Уч ой, ҳар куни эрта тонгдан мактабга келиб, тун коронусида кетди у. Юздан ортиқ курувчилар билан елкана-елка туриб, ҳар бир михнинг қоқилишини назорат қилди. Карнай-сурнай садоллари остида ўқувчилар янгилик бўлган синф хоналарига кириб, биринчи кўнгироқ чалинмагунча тинчимади, хуллас...

Балки, шунинг учун яхши кўрарман уни...

Яна бир янги ўқув йили бошлини. Ҳамма курсанд.

Мактабнинг ҳовлисими чигур-чигурлари, шодон кулгулари билан тўлдириб турган болажонлар синф-синфларига кириб кетиши-ю, ҳамма ёқ жим-жит бўлиб қолди.

— Улгурдиза, Зиёда, — дедим унинг қувончдан порлаб турган кўзларига қараб.

— Улгурдик, опа. Ҳаммамиз бирга улгурдик! Лекин..., — деди-ю, ёшга лиқ тўлган чиройли кўзларини мендан олиб қочди.

— Лекин, опа, қизим кетяпти Японияга. Иккى ойлик таътили ўтиб кетиби, сизмабман ҳам. Мен қанчалар согиниб кутган эдим унинг кеплишини!

У эртага учиб кетяпти!

Юрагидан бир нарса тошиб чиқди-ю, томомимга келиб тиқилди. Йигланди юришиб ўзимни зўрга тутдим. У эса кўзлари тўла ёш билан доимигдек кулиб турарди.

Балки, шунинг учун яхши кўрарман уни...

Малика САЛИМОВА

лога кўчиб, — ростмикан?.. Ҳалиги... гаплар... Радиода гапириши дейишиятику?..

Мен унинг гаплари магзини ҳам, нимага бундай оғир кайфиятда турганини боисини ҳам тушунолмай ҳалак эдим.

— Қайси гаплар? Анироқ гапиринг, — сўрадим охири.

— Радиодаги гаплар... Шундай бўлибдими чиндан?.. А?.. Ўлибидиларми? — Ким?!

— Ким бўларди... Ҳошимов-да! Эй, ҳа-а... Эрталаб тошкентлик ижодкорлардан устоз ўтикир Ҳошимовнинг вафот этгандаги ҳақида эшитган эдим-а...

— Ўзи раҳматига олсин... Шундай дейишияти, — дедим, нокулай бир вазиятга тушган ҳолда. Сабо опа "Уҳ-ҳ!..." деди-ю, телефонни ўчириб қўйди...

Чамаси орадан иккича кунча вақт ўтиб Сабо опа ҳақида қишлоқда "Бир ёзувчи оламдан ўтганини эштиб юраги хуруж килибди, хозир реанимацида, аҳовви оғир эмиш" деган масхаромуз гап тарқалди. Шу билан бирга менинг кўзим ҳам ярқ этиб очилгандай бўлди. Сабо опага дин кутубхонада салгина шошқин кўтартасак тутаки кетиши, кутубхонага оёқ кийимларимизнинг таги тоза эканига ишонч ҳосил қилгандан кейингида қиргизиши, баъзан биздан китобларни қаттиқ қизғониши боисини ўзимча англаб, унча бир мунча тушунгандай бўлдим.

Ҳа, ҳаётда ҳеч бир инсон ҳақида шошиб хулоса чиқармаслик керак экан. Балки ҳақиқатдан ҳам Сабо опа жуда ёмон кутубхоначи бўлгандир, аммо у ўзи фойидан танийдигандаги борибдан танийдигандай талмовсираброқ соглигим, ижодий ишларим қандай кетаётгани билан қизиқсан бўлди.

Ха, ҳаётда ҳеч бир инсон ҳақида шошиб хулоса чиқармаслик керак экан. Балки ҳақиқатдан ҳам Сабо опа жуда ёмон кутубхоначи бўлгандир, аммо у ўзи фойидан танийдигандаги борибдан танийдигандай талмовсираброқ соглигим, ижодий ишларим қандай кетаётгани билан қизиқсан бўлди.

Б. Қўлдошев

QAMOQ JAZOSIDAN KEYINGI XULOSA

Инсон табиати қизиқ. Аввалига фарзандлари дунёга келса оламни бузгудек хайқиради. Вақт ўтиши билан ўтилниг оғирларлари олдида таслим бўлса на оила ва на фарзандларининг тақдири қизиқтиради. Сизга сўзлаб бермоқчи бўлганимиз мазкур инсон ҳам худди шундай оталар сирасига киради. 66 ё 65 йил-у 6 ё 7 ё 8 фарзандларининг иссиксовуғидан хабар олмаган, қизиқмаган, ўйламаган падару бузрукворни нима деб атари мумкин. Ҳолатни таҳлил қиладиган бўлсак, Фуқаролик ишлари бўйича Яккасарой туманлараро судининг 15.01.2009 йилги суд бўйирига асосан, қарзор ота Э.А.дан ундиривчи М.И. фойдасига иккича нафар вояга етмаган фарзандларининг маддий таъминоти учун 1/3 қисм миқдорида алимент ундириш тўғрисидаги ижро хужжати мавжуд.

Мазкур ижро хужжати юзасидан қарзор томонидан 2014 йил январь ойидан 2019 йил июнь ойига қадар 40.859.112 сўм алимент пулларини тўлмай келган, оқибатда катта миқдорда алимент қарздорлиги юзага келган.

Бюронинг Яккасарой туман бўлими тақдимомасига асосан, 17.06.2019 йилда Яккасарой туман маъмурлий суди томонидан қарзор Э.А.га нисбатан МЖТКнинг 474-модасига асосан, 15 сутка маъмурлий қамоқ жазоси тайналанди.

Қарзор ота ушбу белгиланган жазони ўтаб бўлганидан сўнг, жами қарздорлигидан 33.500.000 сўм миқдоридаги пул маблаглари иккича нафар вояга етмаган фарзандларининг

моддий таъминоти учун ундириб берилди. Қолган қарздорлиги юзасидан мажбурий ижро харакатлари олиб борилмоқда.

ALIMENTCHI OTA XORIJGA CHIQADIGAN BO'LDI

Фуқаролик ишлари бўйича М.Улуғбек туманлараро судининг 02.05.2018 йилги оғир вақасига асосан, қарзор Ю.Т.дан ундиривчи Т.Т. фойдасига 1 нафар фарзандининг моддий таъминоти учун то у вояга етгунга қадар ҳар ойдаги иш ҳақида ва бошқа даромадининг тўртдан бир кисми миқдорида алимент ундириш бўлгиланган.

Ушбу ижро ҳужжати Бюронинг Яккасарой туман бўлими иш юритувига келиб тушган ва ижро ҳужжати бўйича ижро иши қўзғатилиб, тарафларга юрилган. Шундан сўнг ота ўзи ва яқин қариндошлари томонидан алимент пулларини ўз вақтида тўлаб келган.

Шу билан бирга давлат ижроининг карорига асосан, Ю.Т.нинг Ўзбекистондан чиқиш ҳукуки чекланган.

Қарзор Мажбурий ижро бюро-сига хорижга чиқиш ҳукукини тиклаш учун мурожаат қилди. Бунинг эвазига фарзанди таъминоти учун тўловига тайёрлариги билдири.

Шундан сўнг алиментчи ота Ўзбекистон Республикасидан чиқиш ҳукукини қайта тиклаш мажсадида, фарзанди 18 ёшга тўлгунга қадар хисобланган 01.02.2026 йилга қадар жами 70 млн. 264 минг сўм алимент пулларини олдиндан тўлади.

Маргуба АМОНОВА,

Мажбурий ижро бюроси Тошкент шаҳар бошқармаси катта инспектори.

Bizga kattalar o'rnak... (MI?)

yoxud bolalarning bizlarga murojaati



Азиз ота-оналар! Биз ҳамиша сизни яхши кўрамиз, қадрлаймиз. Бизни ҳеч қайси синфдошимиздан, дўстимиздан кам қилмаслик учун тиним билмай ҳаракат қиласиз. Гоҳо бизни ширин уйкуга кетқизиб, ўзингиз тунлари билан тер тўкиб, меҳнат қиласиз. Яхши кийинтиришга, еб-ичиришга бор эътиборингизни қаратасиз. Лекин, биз учун биринчи навбатда замонавий қийимлар ёки ширин овқатлар эмас, балки сизнинг меҳрингиз, борлигингизнинг ўзи мухим.

СИЗДАН ХАФА БЎЛМАЙМИЗ-У...

Отапар! Сиз ўғил-қизларингиз учун энг обрўли, энг мукаммал инсонсиз. Оилалимизда, рўзгорни тебрияти сизнинг кўлингиздан. Гарчи, биз "рўзгор" деган тушунчани ҳали тўлалигичангламасакда, оила боши бўлиш қанчалик мурakkab эканлигини билмиз. Аммо, бўш вақт муммомларга олиб келиши табиий ҳол. Сабаби, бегона инсон ҳеч қачон бирор бир манфаатсиз, биз учун меҳр кўрсатмайди. Буни англаб етгунимизга қадар кеч бўлган булиши мумкин. Ўз якинларимизнинг, устозларимизнинг меҳрига ҳеч кимнинг меҳри тенг кела олмайди. Фақат ана шу меҳр ўз вақтида берилса олтиндан ҳам киммат қийматга эга бўлади. Ўсмирлик даврида бизга қайсиидир тенгдошимизни ўрнак қилиб кўрсатилиши, тўғрироғи нотўғри ўрнак қилиниши ёқмайди. Ибратли, итизомли тенгдошимизнинг номини айтмасангиз ҳам ўзимиз қўриб, эшигит хулоса чиқаришига улгурдамиз. Сабаби, ота-онасидан хафа бўлиши факаттина ақлсиз фарзандларнинг иши эканлигини биламиз.

Оналар! Шубҳасиз дунёдаги энг меҳрибонимиз ўзингиз ҳисобланасиз. Ҳаёт мактабининг меҳр-мухаббат яхши кўриш, ардоқлаш, асрар, авайлаш, фарзандни севиш сингари "фанларидан" сизга тенг келадиган "профессорлар" йўқ. Муқаддас пойнинг олдида ҳамиша таъзимдамиз. Сиз агарда телефонда соатлаб сұхбат куришга, қариндош, кўшилар билан бирга бўлишига сарфлаган вақтнингизни биз учун ажратиб, бирга китоб ўқисангиз эди, энг юқори натижаларга сўзсиз эришар эди.

Мени бир ўз ҳамиша қийнайди. Баъзи тенгдошлариминг ота-оналарини ўзлари китоб ўқимай фарзандидан ўқишини, ўқимиши бўлишини талаб қиласди. Бу эса ўрнак бўлиш тутуп, тўғри йўл кўрсатишнинг ҳам хато услубидир. Балогат ёшидаги фарзандларга, яъни

бизга уришиш, кўпол мумомала билан интизомга ҷақириш, кattalarнинг ўзлари амал қилмайдиган тартибини талаб қилиши умуман ёқмайди. Ота-оналар, устоzlар, кattalarнинг ҳаммаси биз билан дўстона муносабатда бўлса, бу даврдан ҳеч қандай муамmosиз ўтиб оламиш.

МЕХРНИ БЕГОНАЛАРДАН ИЗЛАЙМИЗ

Хурматли кattalar! Балогат ёшимиздаги даврда сиздан етарлича эътибор топмасак, меҳрон ўзгалардан, бегоналардан излай бошлаймиз. Бу эса турли муммомларга олиб келиши табиий ҳол. Сабаби, бегона инсон ҳеч қачон бирор бир манфаатсиз, биз учун меҳр кўрсатмайди. Буни англаб етгунимизга қадар кеч бўлган булиши мумкин. Ўз якинларимизнинг, устозларимизнинг меҳрига ҳеч кимнинг меҳри тенг кела олмайди. Фақат ана шу меҳр ўз вақтида берилса олтиндан ҳам киммат қийматга эга бўлади. Ўсмирлик даврида бизга қайсиидир тенгдошимизни ўрнак қилиб кўрсатилиши, тўғрироғи нотўғри ўрнак қилиниши ёқмайди. Ибратли, итизомли тенгдошимизнинг номини айтмасангиз ҳам ўзимиз қўриб, эшигит хулоса чиқаришига улгурдамиз. Сабаби, ота-онасидан хафа бўлиши факаттина ақлсиз фарзандларнинг иши эканлигини биламиз.

“

“

Аммо, бўш вақт топдингиз дегунча, телевизордан футбол кўришингиз, ишдан келишингиз билан дам олиш учун ётоқхонага кириб кетишингиз қалбимизни ранжитади. Ахир наҳотки, бир телевизорчалик қадримиз бўлмаса деб ўйлаймиз-у, аммо сиздан хафа бўлмаймиз. Сабаби, ота-онасидан хафа бўлиш фақаттинга ақлсиз фарзандларнинг иши эканлигини биламиз.

“

“

Аммо, бўш вақт топдингиз дегунча, телевизордан футбол кўришингиз, ишдан келишингиз билан дам олиш учун ётоқхонага кириб кетишингиз қалбимизни ранжитади. Ахир наҳотки, бир телевизорчалик қадримиз бўлмаса деб ўйлаймиз-у, аммо сиздан хафа бўлмаймиз. Сабаби, ота-онасидан хафа бўлиш фақаттинга ақлсиз фарзандларнинг иши эканлигини биламиз.

ПАРТАДАГИ ДОҒ КЕТАДИ, АММО...

Дунёдаги барча инсон эътиборни, эътироғни яхши кўради. Бу яхши кўриш эса ўқувчилик даврида кучлироқ дарахада бўлади. Устоzlаримиз синфа дарс ўтиш мобайнида ҳаммани тенг кўриши, энг асосий эътиборни тенг тақсимламаги керак. Аълочилар олдинда ўтириб мавзуни тингласин, икичилар орка тарафда дарсга ҳалакит беришмаса бўлгани, кабилида дарс ўтилса, бундай номига таълим бериладиган мактаблар мамлакатта, дарс жараёнлари эса таълим соҳасига дод туширади. Бундай додлар эса ҷаочони, ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги муносабатлар намунали даражага етсагина "тозаланиши" мумкин.

Афсуски, бугунги кунда ўқувчи-ёшлар

ўртасида жиноятчилик, ўз жонига қасд қилиш, эрта ҳомиладор бўлиш, безорилик каби ЎЗБЕКИСТОН ЎҚУВЧИЛАРИГА ярашмайдиган ҳолатлар учраб туриди. Бу каби иллатларнинг ҳаммаси оиласидаги, маҳалла, кўча-кўйдаги, мактабдаги эътиборсизликларнинг маҳсул ҳисобланади. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, шоир Эшқобил Шукур айтгандек: "Бугун бобомонолар ҳам ўзгариб кетди". Бир болага етти маҳалланинг ота-она эканлиги эса "мақолдаги чўччакка" ўхшаб қолди. Баъзида кattalar ўз наҳоткини наҳотки биздан қизганиш, деб ўйлаб қоламан. Ахир, кўчадаги кўшини холалар тенгдошларимизни гийбат қилиш ўрнига бозигаймизни айтib, тўғри йўл кўрсатишса бўлмайдими? Фан ўқитувчилари юкоридан текшириш келадиган кундан иккى кун олдин тайёргарликни бошлаб, сценарий ёдларгунча, текширувчилар ташриф буорганида эса, видео ва мультимедиа орқали дарс ўтгунча ҳар доим ўз фанларини ана шундай ташкил этишса бўлмайдими? Ота-оналар йигилишида меҳрибонларимиз биз учун, бизнинг таълим, тарбиямиз учун ишларидан бир соатга бўлса ҳам жавоб олиб иштирок этишса бўлмайдими? Маҳалла раисларимиз баённомаларига иловга тарзида расм ҳавола этиш вақтидагина мактабларимизга келмасдан, иккى ҳафтада бир маротаба тарбиявий соат дарсларни ўзлари ўтишса бўлмайдими? Тўғри, юкоридаги саволлар ҳамма мактаблар, ҳамма ўқувчилик, шоирларни айтадиганда бир умр тегишили эмас. Аммо юртимиз бўйлаб шу саволларга тегишили бирор бир мактаб, маҳалла бўлса, шубҳасиз у келажақдиги ривожланиш ўйлига тўгоноқ бўлши турган гап. Мана шу эзгуликка тўғоноклини ўз ҳамма ўқувчиликка тозимизни замин ҳозирлаётган иллатлар манбаидир. Тўғри, гуруч курмаксиз бўлмайди. Бу ҳақда эса, "Кўзгу" номли шеъримда кўйидаги тўртликни ёған эдим.

Тўғри, гуруч курмаксиз бўлмас,
Юрак тўғон тоширади-ку.
Лекин, ўзбек ўша курмакни,
Тозалаб, ош пиширади-ку.

КУРМАКЛАРНИ ТОЗАЛАСА БЎЛАДИ

Агар курмакларимизни тозаламоқчи бўлсак, фақат ба фақат бирлашишимиз керак. Шу ўрнида, айнинг ҳаммасини катталарга юклаш хато. Масаланинг яна бир тарафи, биз билан боғлик. Ўқувчиликда ҳам аянчигана тўғирланиши керак бўлган хатолар мавжуд. Лекин, шуни унумаслик керакки, ҳар бир ўқувчи ўбамисоли оплок козоз қабидир. Қалам эса, кattalarнинг кўлида. Бугун ота-онамиз, устоzlаримиз шу қозозга нима ёзишса, эртага ана шу ўзганини ўқишиади.

Азиз кattalar! Сиз бизнинг қалб қозозимизга фақат яхши сўзларни ёзиңг. Кўнгил bogimiziga эзгулик ургуларини қадаң. Баън шу қадаши вақтида ўзингиз ҳам эзгу ишларни килиши унтишиб кўйманг. Тўғри йўл кўрсатяпсизи, аввал ўзингиз ана шу ўйлдан юриб, охирчага кўрсатиб беринг. Маслаҳатам берягисимиз, ўзингиз амал қиладиганларини айтинг. Таълим берягисимизни, ўзингиз амал қиладиганларини айтинг. Таълим берягисимиз, янгилликка, замонавийликка интилинг. Тарбия берягисимиз, ўтмиши унтишиб туринг. Вақтида ўзингиз ҳам китоб ўқиб туринг. Бизни яхши инсон бўлишимизни ҳохлаяпсизи, ўзингиз ўрнак бўлинг. Биз ўқувчи-ёшлар ҳамманини ўзингизни яхши кўрамиз.

Ёрқинжон ХАЙТБОЕВ,
Сирдарё вилояти Мирзаобод
туманидаги 15-мактабнинг 11-синф ўқувчилиси.

SINALMAGAN OTNING SIRTIDAN O'TILMAYDI

ЁШЛАРНИНГ ИШИГА
АРАЛАШМАНГ!

Биринчи воқеа. (Ижтимоий тармоқда пост тарзида қолдирилган) Синалмаган, яхши таниш бўлмаган оиласа қиз бериб қўйдик. Бир йилки тинчимиз йўқ. Күевимиз чиройли, қадди-басти келишган бўлса ҳам қалби жуда хунук экан. Қизимга зулм қиласди. Уради. Аввалига қизим беркитид. Уйга келганида, оёқ қўлида кўкарған жойларини кўриб қолсам, она, урвoldим, деб алдарди. Кейин ёрилиб йиглади. Күёв сал нарсага ташланаб, қизимнинг сочларидан тортиб, тепкилаб уриб кетаркан. Овқат бироз кечикса, мазаси бўлмай вақтлироқ ётса, кийимларини у хоҳлагандек эмас бошқача тахласа... Ҳаммаси майдада чўйда сабаблар. Юрагим қон бўлди, роса йигладим. Қайнонасига қўнгирок қилсан, ёшларнинг ишига аралашманг, дейди. Ие, қизимни эртага майиб қилиб қўйса, ким куяди? Онаман, чидолмадим. Ҳўжайнимга айтдим, "Одамлар нима дейди, қўни-қўшни олдида нима деган одам бўламиш, қизинг қайтиб келса", – деб баттар қилди ҳолимни.

Қизим кўркок бўлиб қолган, сўлиб қолди бир йил ичиди, кўзлари жавдидар турди келса. Бир оғиз ширин сўз эшитмаса, камига калтак еса аёвсиз, қизимнинг шунинг учун 20 йил асралаваётлаганимид?

Қўли ширин, хизматни чақон қиласди, сепини ўзим қилдим камикустини тўлдириб. Ҳалигача уйимга келса, кўзлига тогорада овқат, олтига патир, ширинлик кўшиб жўнатман уйига. Лекин боламни уришларига чидолмаяпман. Ёниб кетялман. Күёв билан ўзим гаплашаш дедим, лекин қизим, бориб айтсанги кейин мени баттар ҳўрлайди, деб кўнмаяпти.

Нима қислам бўлади? Болам шунақа ҳурланиб яшайверадими?..

Шўрлик онанинг қабиғи билан битилган бу сўзларнинг бирортасини ўчириб ёки унга кўшадим. Қани энди шу аламли жумлалардаги дард таҳрир қилингандаги битта-битта камайса-ю, дил оғиги чекинса, минг афсус...

"ҚИЗИНГИЗ ИЧОГРИФИДАН ОЛАМДАН ЎТДИ!"...

Иккинчи воқеа. Яқинда "Марказий студия" дастуридан лавҳада на-манганинга ота-она қизидан қолган 35 кунлик гўдакни бағрига босганича ўш умри ҳаён бўлган фарзандининг доғи, аянчли тақдирни тафсилотлари ҳақида гапириб берди.

Кўзи ёрганига ҳали қирқ кун ҳам тўлмаган келинини ўғли шафкатисларча калтаклаётган вақтда уйда бўлган қайнона гўёки "оплок", қизингота-онасига "Қизинг уч кун ичогриғи бўлиб, ўлиб қолди", деган хабар бериди. Касални беркитсан иситмаси ошкор қиласди деганларидек, суд-экспертиза хуло-саси келинчакнинг танасидаги қаттиқ калтак аломатларига рўй рост аниқлик киритган. Унга кўра, бир зўравон кўлида аёлнинг жигари ёрилиб, ўлласига сув тўлиб, қовургалари майдада майдада бўлиб синганини тасаввур қилишнинг ўзи азоб. Воеханинг яна ачиниарли жиҳати норасида гўдакнинг тинимсиз йигиси қўши келинин ташвиши солиб, унинг остона ҳатлашига турти бўлса-ю, шунга қадар бувилишка қанчалик муносиб билмадим, ўш умри увол келинчакнинг қайнонасида "Бола нега безовта бўляпти?" деган хавотир уйғонмаса... Уйда, шу ҳовлидагига зўравон ўғли ароқка бўйик бир муштипар аёлни жони узилгунича калтакласа-да: "Қўй, ўғлим,



Күёв сал нарсага ташланиб, қизимнинг сочларидан тортиб, тепкилаб уриб кетаркан. Овқат бироз кечикса, мазаси бўлмай вақтлироқ ётса, кийимларини у хоҳлагандек эмас бошқача тахласа... Ҳаммаси майдада чўйда сабаблар. Юрагим қон бўлди, роса йигладим. Қайнонасига қўнгирок қилсан, ёшларнинг ишига аралашманг, дейди. Ие, қизимни эртага майиб қилиб қўйса, ким куяди?

бу ҳам бирорининг азиз фарзанди", деган бир ун чиқмаса...

Багридарё оналаримиз набирашларини суюб: "Данагидан магизи ширин" дега эркалайди. Кези келса, йиглаб инжилик қилган набирашини келининга ҳам ишонмай бутун вужуди меҳрга айланниб овутади. Орамизда мана шундай меҳрибларнор туфайли қалбимиз қувончга тўлса, юқоридаги сингари бағритошларнинг "совук қилмеш"ларидан ёқа ушлаймиз. Энг ёмони бундай вазиятларда гўдаклар етим, ўш гулдең бир умрингин ҳаён бўлиши...

ЁШ ЖОННИН УВОЛ ҚИЛМАНГ

Учинчи воқеа. Ёшлигига сочлари этагига туташ кўхликини қиз бўлган бир аёлни танийман. Тақдир йўлларини синов деймиз. Бу аёлнинг пешонасига тайинсиз, ароқка муккасидан кетган эр билан ҳаёт килиш ёзилган экан, наилок. У ота-онаси, ака-укаси ва бошқа яқинларини атрофдагилар "Фалончингиз" қизи, синглиси ё спаси қайтиб келди", деган таъна билан кўлини бигиз қилиб кўрсатмаслиги учун барчасига чидади. Аммо тутуруқсиз эрнинг калтаклари "бесамар" кетмади. Уч фарзандининг иккитаси акли нокис бўлиб тутғилди. Вақт ўтиши билан аёлнинг ўзи

ҳам руҳий хаста бўлиб қолди. Зўравон эр ҳам "обод" эмас, у ҳам бир хонанинг ҳақ қорувилига айланди. Балки у хатоларини англагани қўйи шу аҳволга тушгандир. Энг ачинарлиси, яқинда оиласининг биргина соглом боқувчиси бўлган ўғил ҳам оғир хасталик сабаб оламдан ўтди. Шифокорлар ёш кетган йигитнинг дарди бўлалигидаги оддий шамоллаш эътиборсизлик туфайли авж олиб келганингини айтганига нима дейсиз?

Бу оиласининг кечмишлари ҳар бирни инсонни қайгули ўйлар уммонаига гарк қиласди. Умри бесамар кетган эркак аёлни билан фарзандларни ҳаэр эмас меҳр тўла ошёдана улгайтирганда, бундай совуқ оқибатлар қалбни ўртамасиди.

Ижтимоий тармоқда юқоридаги ноиложикида қолган онаизорнинг: "Қизингизни бунчалик ҳўрлашларига йўл қўйманг, ҳали фарзанди йўқ экан, ажратиб олинг", дега маслаҳат берганлар бир тоифа, "Ўз тақдиримни кўрдим, ўш жонини увол қилманг", дегувчилар бир тоифа, "Мен вақтида бундай ҳаётдан воқеядим. Ҳозир фарзандларим кўнглим, қўзим қувончи", дейди яна бир гурух. Энг қизиги, ҳеч ким қизингизнотаси сингари: "Қизим бу зуғумларга чидаб яшайверсан, қайтиб келса ким деган одам бўламан", демаган. Аёл оиласи, турмуш ўртоги, фарзандлари ва яқинларига фидойи бўлиши керак. Аммо зўравонликлар, тазиқлар остида эмас.

Қайнона-келин муомала-муороси тоабад тугамайдиган мавзу. Қейинги вақтда бу мавзунинг "рангбаран"лигини зўравон эрлар мавзуси тўлдирияпти. Аслида йўл бошида турган ёшларни муросага келтириш, уларни оила атамлини ошённи мустаҳкам кўргонга айлатириша ҳамжihatлика қаҳрикни онанинг, қайнонасининг энг биринчи галдаги вазифаси эмасми? Нега бизда кўпинча қизингота-онасидан: "Турмушнинг мушти бўлади, чида болам. Юк қўттарган ўзага чиқади", дега жигар пораси ҳаётини изга солишга ҳаракат қиласди. Иккинчи томон-чи? Йўқ, эр зўравон, ўт ўкувчи" қайнона томошабин, алқиси "оплок", сузини ўтказолмаган қайнота эса кўзи кўр, кулоги кар.

Оиласидаги зўравонлик оқибатини онасиз қолган норасида гўдаклар, халқлар оқибатини

зон бўлган ўш умрлар, руҳий хасталик билан кечган тутуруқсиз ҳаёт билан боғлаганимиз сайн бу қилинишнинг қанчалик оғрикли дард эканлигини ҳис этамиз. Энг ёмони, шундайлар орамизда. Уларнинг хурмача қиликлари кўз ўнгимида содир бўляпти. Баъзан бундай ваҳшӣ, тошбагир, беандиша инсонларни ҳам ер кўтариб юрибди-да, деб нафралланамиз. Кимнидир ёқлаб, кимларгидир тарафкашлик қиласиз. Ҳалқимизда: "Синалмаган отнинг сиртидан ўтма", деган макон бор. Бу кўриб, билиб, танишиб қариндошлик ришталарини боғлаш кераклигини англатса-да, минг афсуски, синалмаган ўйга қиз берриб, фарзандининг ўхшамаган тақдирни учун кўйганлар кўп.

Шу ўринда Президентимиз томонидан "Хотин-қизларни тазиик ва зўравонликдан химоя килиш тўғрисида"ги қонуннинг имзоланиши кўнгилда бир умид, таскин ўйгутвчи мухим қадам бўлганлигини таъкидлаш жоиз. Қолаверса, Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси томонидан реабилитация ва мослаштириш марказлари очилгани ҳам бу борадаги эзгу ишлар кўлами тобора кенгайиб бораётганини билдиради.

Ушбу қонунга кўра, тазиик ва зўравонликка учраган жабрланувчи содир этилган зўравонлик оғизи таҳдид ҳақида тегиши органларга ёхуд судга мурожат этиш, белуп ҳукуқий маслаҳат, ижтимоий, психологоқ, тиббий ва бошқа ёрдам олиш каби ҳукукларга эта. Бундажабрланувчи етказилган моддий ҳамда маънавий зарабни коплаш тўғрисида ариза билан судга мурожат этганида давлат божи тўлашдан озод қилинади. Қонунда хотин-қизларни тазииклар ва зўравонликдан химоя қилишини амалга оширувчи ваколатли органлар кўрсатиб ўтилган.

Хуллас, биз ширин ҳаётимизга соя солаётган иллатлар билан курашишга қаттиқ бел боғладик. Бу ўз навбатида керак эди. Ҳаётни саҳнага қиёсласак, уч тақдир, уч хил кўриниш. Ҳаммасида зўравонлик "тренд"да. Келинг, шу кўринишлар саногини камайтирайлик, бундай дардли мавзуларга барҳам берайлик. Токи оила кўргони баҳт-қувонч, болалар кулгусига тўлсин.

Гулноз ТУРҒУНБОЕВА

QADIM MASKANNING QADIM TARIXI

Сурхондарё вилояти Олтинсой тумани Керагатоғ этагида жойлашган бўлиб, унинг бағрида мўъжизаю сир-синоатларни ўзида яширган, азизу авлиёлар қадами теккан "Хўжаипок ота" зиёратгоҳи бор. У ўзининг шифобаҳаш булоқ суви, мусаффо ҳавоси, ажойиб иқлими билан машхур. Айтишларича, зиёратгоҳ пайғамбаримизнинг яқин саҳобаларидан бири, Абдураҳмон ибн Авф (Хўжаипок ота) номи билан аталади. Бу қадим масканнинг тарихи ҳам узоқ ўтмишга бориб тақалади. Ғор ичидағи ва тоғ ён бағридаги ҳар бир гиёҳни эса дардга даво дейишади.

Горнинг узунлиги олтмиш метрдан зиёд бўлиб, кискариб одам сигадиган тешикка айланади ва яна ичкарилаб, кенгайиб кеттан экан. Горнинг нариги томони қандай эканлиги ҳамон жумбок, аниқланмаган. Аммо яқин-яқинларгача гор суви билан қизил олмалар оқиб келганини бир неча бор одамлар кўришган.

Шуниси ажабланарлики, зиёратга келувчилар сони кўпайса, сув ҳам кўпаяди, одамлар сони озайса, сув ҳам озайр экан. Тоғлар орасида жойлашган ва ҳар бири 25-30 хўжаликдан иборат бешта қишлоқ аҳолисининг тириклиги ҳам ана шу зиёратгоҳдан ўтар экан. Чунки тогда завод-фабрика ҳам, қинтекин қиласидан далалар ҳам йўқ хисоби.

Дам олиш, зиёрат қилиш ҳамда дардига шифо топиш илинжида ташриф буорадиган минглаб зиёратчирап ва сайёхлар учун зиёратгоҳда кattагина бозор ҳам бўлиб, бозорда озиқ-овқат, кийим-кечак маҳсулотларидан тортиб, миллий хунармандчилик маҳсулотларига сотилади. Бу эса шу ердаги ишибилармон ва тадбиркорлик аҳолининг моддий эҳтиёжини таъминлайди.

Дам олиш, зиёрат қилиш ҳамда дардига шифо топиш илинжида ташриф буорадиган минглаб зиёратчирап ва сайёхлар учун зиёратгоҳда кattагина бозор ҳам бўлиб, бозорда озиқ-овқат, кийим-кечак маҳсулотларидан тортиб, миллий хунармандчилик маҳсулотларига сотилади. Бу эса шу ердаги ишибилармон ва тадбиркорлик аҳолининг моддий эҳтиёжини таъминлайди.


– Туяниң ўрқачидек тогу қирлар орасидан тешиб ўтган, тошларга урилиб оқётган сув кўм-кўк, жазира маисида ҳам этни жунжикларидан дарёнинг тарихи асрларга бориб тақалади. Тогнинг тагидан оқиб ўтвичи дарё Бойсундан келиб, Яккотал узанидан оқиб ўтиб, Сурхон сув омборига бориб кўшилади.

Мустақилликдан сўнг миллий қадрият ва анъана-ларимизнинг қайта тикланиши, авлиё-анబиёларимиз қадами теккан қадамжолар ва зиёратгоҳларимизнинг қайтадан тиклангани бундай жойларга янада кўркамлик

бахш этиб, гавжумлигини таъминлади. Туризмнинг ривожига асос солди. Бундай мукаддас жойларга қадам ранжида этиш, биз яшаёттган юртда шундай улуп аждодларимизнинг яшаб ўтганингни қалмизида хис этиш фарҳ ва гурур туйгуларини ўфтоди, албатта.

Хўжаипок ота дейилгандан, шубҳасиз ислом оламидаги машхур ва мъалум Абдураҳмон ибн Авф ҳазратларига нисбат берилган. Исломда "Ашари мубашшара", яъни ҳаётлигига жаннати бўлганингни башорат килинган ўн саҳобалардан бири – Ҳазрати Абдураҳмон ибн Авф кўзда тутилади. Зиёратгоҳини ёззозланни ва қадрланишининг боиси ҳам шундади.

Форга кираверишда, яъни гор ичидан яна бир қабр бор. Форга зинапоялар орқали тушлайди. Бу ердаги қабрда Хўжаипок отанинг синглиси Биби Зайнаб ётиби, деб айтадилар. Хўжаипок отанинг ўлкамизга келиши ҳажида икки тахмин бор экан. Ривоят килишларича, ул зато по тикорат ишлари билан саҳобалари ва синглиси Биби Зайнаб билан ўлкамизга, яъни шу ерга келиб коладилар ва савдо ишлари билан шуғулланадилар. Кунлардан бирида қароқчи ва гайридинлар шу ерга хужум килиб, мавжуд ахолини кириб ташлайди. Ана шу талотўпда Абдураҳмон ибн Авф синглиси билан шу форга яширилади. Улар яширгангор юзини Оллоҳонинг курдати ила ўргимчак тўрларни коплади. Қароқчилар тирик қолганларни кидириб форга кирмоқи бўлади. Шунда улар гор юзини қоплаб олган ўргимчак тўрларини кўргач "бу ерга одам зотининг қадами етмабди, киришга ҳожат



руватт иштаб турибмиз, отонамиз ўлиб кетган. Ейишига нонимиз, боришига уйи йўқ сагирлармиз...

Шунда пайғамбаримиз дейдилар:

– Уйингиз бўлмаса, юринг, уйимга олиб кетаман, ўйлик бўласиз. Ота-онангиз бўлмаса, мен билан кетсангиз, отоналиқ бўлурсизлар. Агар маҳрамимни онам деб, она ўрнида кўрсангиз қорнингиз ҳам оч қолмагай, усти-бошингиз хам йиртиқ бўлмагай.

Шунда сагирлар "биз розимиз" дейишгач, пайғамбаримиз бу икки сагир гўдакни уйларига олиб кетидилар.

Бир куни бола пайғамбаримиздан:

– Нега менинг тумяни йўқ, бошқа болаларнинг туяси бор, – деб сўрабди.

Шунда пайғамбаримиз:

– Келинг, устимга мининг, мен сизнинг тяянгиз бўлурман, – деб болани устиларига миндириб, түядек лўкиллай бошлабилар.

Шунда бола яна сўрабди:

– Нега бошқаларнинг тяялари "авф, авф, авф" килидиди, менинг тумяни "авф, авф, авф" кимлайди, дебди.

Шунда сагирнинг тагида тумяни ўтбўйлиларидан келишига қараб "авф, авф..." дебдилар ва учинчи марта "авф" сизини тақорламоқчи бўлганларидан юқоридан нидо келиб, учинчи "авф" айттаси, одам зоти барча гунохлардан холи бўлар экан. Шу-шу сагирнинг номи Абдураҳмон ибн Авф би-

лан атала бошланибди.

Зиёратгоҳга кўп йиллардан бўён раҳбарлик қилиб келаётган шифокор, "Антик дуне" академияси фахрий профессори Ҳушбок Қаршиевнинг айтишича, гор ичидан оқиб ўтвучи олтингургурти зилол сув минг дардга даво экан. Ҳатто ҳақратон кишида ҳам бу сувдан тўйиб ичган ёки чўмилган одамнинг соғлиғига зарар етмайди. Аксинча, тананинг куввати ошиб, тетикилашади. Чашма сувида чўмилган киши тери ва бошқа ўн бешга яхши касалликлардан фориғ бўлади. Горнинг ичидан қайнар чиқаётган шифобаҳаш булоқ сувни қадим за-монлардан хусусиятни яхши билишган ва ундан дардларига шифо топишган.

Гордан сонияда 80 литрдан ошикрон сув мунтазам оқиб туради. Сувнинг таркиби республикалимида Н.А.Семашко номли курортология ва физиотерапия имлий текширилганда, сувнинг таркиби кам сульфатланган (МО1.9 г/л, хлорид сульфатли, шунингдек, 9-10-11 мт олтингургурти, настрий, калий, калций, гидрокарбонат натрий, кремний, кислотаси, азот, темир, алюминий ва бошқа фойдали микроэлементларга бой эканлиги аниқланган.

Хўжаипок ота минерал суви яна ҳаракат таянч, юрак, қонтомир, гинекологик, асад тизими ва барча турдаги тери касалликларидан фориғ бўлишига хизмат қиласди.

Марям АХМЕДОВА тайёрлади.